

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида

Солиев Шерали Журабаевич

**ДАШТ ҲУДУДИДА ЭТНОСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР
(XX аср Сирдарё вилояти мисолида)**

Мутахассислик: 5В 5220200- «Тарих»

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Тарих бакалаври академик даражасини олиш учун

Иши қўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилди.
«Тарих»

Кафедраси мудири:

_____ доц.О.Назаров

2014 йил «_____» _____

Илмий раҳбар :

_____ ўқ.Б.САМАДОВ

2014 йил «_____» _____

Гулистон - 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-БОБ. ДАШТ ҲУДУДИ АҲОЛИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАШТ
ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....

1.1.Худудда маҳаллий аҳолининг шаклланиш жараёни.....

1.2.Дашт хўжалигинг ривожланиши.....

II-БОБ. ТУРЛИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРДА ХЎЖАЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАР ВА
ЭЪТИҚОДЛАР.....

2.2. Деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.....

2.3. Чорвачиликда иримлар ва удумлар.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Илова.....

К и р и ш

Мустақиллика эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, ва кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади».¹ Исбот талаб этмайдиган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бугунги кунда Ватанимиз ҳудуди тарихи соҳасидаги кўплаб тадқиқотлар ечимни кутаётган масалалар ва муаммоларга қаратилмоқда. Ўзбек этнологияси фани олдида республикаимизнинг алоҳида минтақалари этник ва хўжалик тарихини ўрганиш, шу ҳудуд халқлари маданияти ва турмуш тарзидаги ўзига хосликларни аниқлаш каби муаммоларни ечиш, тарихий географик ва хўжалик тарихини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Собиқ тузум мафкураси тарафдорларининг ватанимиз тарихини сохталаштиришга уринишлари, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли маданиятини паст даражада баҳолашга интилишлари ўз исботини топа олмади. Мустақиллик нафаси уфуриб турган бугунги жамиятда тарихчиларнинг энг асосий вазифаси- тарихимизни қайта кўриб чиқиш, ватанимиз сарҳадларида истиқомат қилиб келган турли этник гуруҳларнинг хўжалик фаолияти давомидаги ўзаро муносабатлари тарихини ёритишдек шарафли вазифалар мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги. Турли этник гуруҳларнинг тарихий алоқалари муаммоларини ўрганиш ва ёритиш ҳамиша тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб келган ва бундан кейин шундай бўлиб қолади. Бу вазифани ҳал қилишда этнографик материалларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга.

¹Каримов И.Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т, «Ўзбекистон», 1998 йил. 5-бет.

Ҳозирги кунга қадар дашт ҳудуди, жумладан Сирдарё вилоятидаги турли этник жамоаларга мансуб халқлар маданиятларининг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиб боришидек масалаларни илмий тадқиқ қилиш етарлича ишланмаган.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистондаги турли этник гуруҳлар орасидаги этник жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари дурустгина ўрганилган ҳозирги пайтда халқларнинг этник жиҳатдан ўзаро муносабатларини, ҳеч бўлмаганда уларнинг энг муҳим қирраларини муайян олинган тарихий-этнографик ҳудуд материаллари асосида синчиклаб таҳлил қилиш вақти келди.

Маълумки, этносларо алоқалар¹ «этномулоқот ҳудудлари»² деб номланувчи ҳудудларда бирмунча қизғин кечган. Одатда бундай ҳудудлар энг аввало аҳолининг ранг- баранглиги билан ажралиб туради. Бундай этник ранг баранглик биз ўрганаётган Сирдарё вилояти учун ҳам хосдир.

Дашт ҳудудида кечган миграцион жараёнлар аҳолининг мураккаб этник таркибининг шалланишига олиб келди. XIX асро хири XX аср бошларига келиб мазкур тарихий- этнографик ҳудудда ўзбекларнинг бир қатор уруғ вакиллари билан бир қаторда тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа кўплаб этник жамоа вакиллари истиқомат қилишган.

XX аср бошларида кечаётган хўжалик соҳасидаги этносларо алоқаларни турли хўжалик маданий типларга (ХМК)³ мансуб

¹ «Этносларо алоқалар», «Этносларо мулоқотлар» ва «Этносларо муносабатлар» атмалари гарчи бир хил тушунчаларни ифодаламасада, лекин мазкур иш доирасида улар айнаи бир хил тушушунчалар сифатида ифодланади.

²Кушнер П.И. Этническая территория и этнические границы. М.1951. С.18,26,27.

³Хўжалик маданий типлари ҳақида қаранг: Кивин М.Г. , Чебоксаров Н.Р. Хозяйственно-культурнўе типў и историко- этнографические области. СЭ,

1955. №4. С.3,7. Андреев Б.В. Хозяйство- культурное тип Средней Азии и Казахстана (с картой) FF Народ Средней Азии и Казахстана. Т- II, С.10.

халқлар орасида янада яққол намоён бўлишини кузатиш мумкин. Зеро, хўжаликнинг турли йўналишлари билан шуғулланган турли этник жамоалар вакиллари бир ҳудудда яшар эканлар, ўзаро алоқага киришмасликлари мумкин эмас.

Дашт аҳолисининг биз ўрганаётган ҳудудда турли этник гуруҳлардаги хўжалик турлари, улардаги хўжакликни ривожлантириш билан боғлиқ эътиқодлари ва диний тасаввурларини илмий адабиётлар ва далиллар асосида ёритиш аҳамиятлидир. Анъанавий хўжаликка доир архив ва дала маълумотлари мавжуд бўлиб, улар ўзида ватанимиз тарихининг маълум бир қисмларини акс эттиради. Айтиш жоизки, анъанавий хўжаликка доир тўпланган тажриба ва усуллар халқимизнинг кўп асрлар давомида ижод қилган бойлигидир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзига хос тарихий-этнографик минтақа ҳисобланган дашт ҳудуди хўжалигидаги этнослараро муносабатлар ва ушбу ҳудуд аҳолисининг анъанавий хўжалиги бўйича мукамал тадқиқот яратиш илмий ишимизга асосий мақсад сифатида белгилаб олинди. Илмий тадқиқотимизни ёритишда асосан дала этнографик тадқиқотлари натижасида тўпланган маълумотлар, шунингдек турли илмий адабиётлар ҳамда архив маълумотларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Ота- бобларимиз тўплаган бой ҳаётий тажрибаларнинг кўпчилиги унутилаётгани ва йўқолиб бораётгани сир эмас. Ушбу анъаналарни тиклаш, уларни аниқ маълумотлар билан тўлдириш тарихчиларнинг олдида турган асосий вазифаларимидан бири ҳисобланади.

Танланган мавзунинг вазифалари хўжаликка доир тўпланган материалларни илмий қайта ишлашдан сўнг, ундан турли этник гуруҳлар анъанавий хўжалик ва хўжалик юритиш усуллари ҳамда хўжалик тарихига

оид аниқ маълумотларни тўплаш, шунингдек ўзбеклар анъанавий хўжалигини ёритишда фактлар билан таъминлашдан иборат.

Олдиб борилган тадқиқотга қуйдаги вазифалар ечими асос қилиб белгиланди:

- Ўрганилаётган ҳудудда суғорма деҳқончилик анъаналари ҳамда сувдан фойдаланиш тартибини ёритиш;
- Анъанавий хўжалик соҳасида фойдаланилган меҳнат қуроллари ҳамда иш ҳайвонларидан фойдаланишнинг ўзига хос тартиблари ҳақида атрофлича маълумот бериш;
- Тадқиқот давомида анъанавий деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли томонидан айтилган баъзи бир қўшиқлар, лапарлар ва айтимлар сингари унут бўлаётган фольклорларни қайта тиклаш;
- Вилоят ҳудудда яшовчи аҳоли анъанавий хўжалиги билан боғлиқ диний тасаввурлари ва эътиқодлари тўғрисида маълумотлар тўплаш;

Ишни ёритишда фойдаланилган асосий манбалар ва адабиётлар.

Битирув-малакавий ишни ёзиш давомида илмий адабиётлардан кенг қамровда фойдаланилди. Булар жумласига Я.Ғ. Гуломов, А.Р. Муҳаммаджонов, И. Мухиддинов, К.Ш. Шониёзов, А. Башилов, Б.Х. Кармўшева, С.С. Губаева, О.А. Сазонова, И.М. Жабборов каби кўплаб таниқли элшунос ва тарихчи олимларнинг бир қатор асарларидан фойдаланилди.¹

¹Гуломов Я.Ғ. Хоразм суғорилиши тарихи. Т., 1959. ҒҒ Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийси суғорилиш тарихи Т., 1972. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари Т., 1997. ҒҒ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа Т., ФАН. 1974. Узбеки- карлуки. Т., Наука. 1964. ҒҒ Кармўшева Б.Х. Узбеки- локайцў южного Таджикистана. Вўп 1. Сталинабад. Изд-во. Акад. Наук Тадж ССР. 1954. Очерки этнической истории Южнўх районов Таджикистана и Узбекистана. Москва. Наука. 1976. ҒҒ Губаева С.С. Сазонова О.А.

Традиционное хозяйство узбеков юного Хорезма. Ленинград. Наука. 1978.
ҒҒ Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994 й.

Адабиётлар ўзининг кенг қамровлиги ва тарихий фактларга асосланганлиги билан ажралиб туриши Битирув малакавий ишни ёзишда асосий манба бўлиб хизмат қилди. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларидаги материаллардан фойдаландик.

Мавзунинг илмий янгилиги. Тадқиқ қилаётган ҳудудимизни биринчилардан бўлиб Б. Аминов, Л. Костенко, А.А. Грицина, В.В. Родлов, А.Г. Корошкин, А. Шахназаров каби тарихчи, этнограф ва географ олимлар тарафидан тўпланиб нашр қилинган дашт ҳудуди хўжалигига доир баъзи бир маълумотлар учрайди. Лекин улар илмий ишларида этнослараро муносабатлар алоҳида мавзу сифатида қайд этилмаганлигини эътироф этиш жоиз. Биз айнан дашт ҳудудида бундай жараёнларнинг қандай кечганлиги ва турли этник гуруҳ вакиллари шуғулланишган хўжалик турларини тадқиқ қилиб имкон қадар асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқот объекти. Ушбу илмий тадқиқотимиз объекти бўлиб Сирдарё вилоятининг Гулистон, Сайхунобод, Сардоба ва Ховос туманлари танланди. Ушбу туманлардаги турли этник гуруҳлар шуғулланган асосий хўжалик турлари- деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ва хўжаликдаги этнослараро мулоқот жарёнларини ёритишга интилдик.

Ўрганилаётган ҳудуднинг табиий- географик тавсифи қуйдагича:

Сирдарё вилояти ҳудуди республикамизнинг энг кичик вилоятларидан бири ҳисоблансада, ҳудуддаги миграцион жараёнлар ҳудуд этник харитасининг хилма-хиллигини таъминлаган. Бир миллион гектардан ортиқ бу майдонни Мирзачўл текислиги, баъзида Мирзачўл учбурчаги деб ҳам атайдилар. Ҳудуд Сирдарё дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Узунлиги шимолдан жанубга 160 километр, шарқдан ғарбга 130 километргача боради. Вилоятда 9та туман, 5та шаҳар мавжуд. Энг асосий сув манбаи – Сирдарё ҳисобланади.¹

Тадқиқ қилинаётган ҳудудимиз аҳолисининг этник таркиби хилма-хилдир. Тадқиқотимиз объекти сифатида танланган туманларда юз, қирқ, турк, Сарой, олтмиш, қипчоқ, сўлоқли, найман ва бошқа уруғ шахобчалари истиқомат қилишади. Улардан ташқари тожик, қозоқ, қирғиз жамоалари ҳам ёнмаён яшайдилар.

Улар сафига кейинчалик шўролар даврида рус, арман, қорақалпоқ ва татар каби миллат вакиллари келиб қўшилдилар.

Илмий ишни ёритиш ва унинг асосини архив маълумотлари билан тўлдириш кўзда тутилган бўлсада, 2012 йил баҳор ойларида мустақил равишда тадқиқот объектида олиб борилган дала этнографик тадқиқотлар маълумотларидан ҳам кенг миқёсда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Битирув малакавий ишнинг методологик асосини тарихий- қиёсий услуб атшиқил этади. Мазкур ишни ёритишда К. Шониёзов, А.Р. Муҳаммаджонов, И.М. Жабборов, Г. Зуннунова каби олимларимизнинг илмий мероси ва кўп йиллик тажрибаларидан фойдаланилди.

Ишнинг амалий ва назарий аҳамияти. Мазкур тадқиқотимиз шу йўналишдаги илмий- тадқиқот ишларида ҳамда дашт ҳудуди тарихи билан боғлиқ баъзи бир масалаларни ёритишда фойдаланиш ижобий натижалар беради деган умиддамиз.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш- кириш, II боб, тўрт банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ваиловадан иборат.

¹Примкул Дўст Муҳаммад. Сирдарё: кеча ва бугун. Гулистон. 2002 йил. 4-бет.

I-БОБ. ДАШТ ҲУДУДИ АҲОЛИСИНING ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАШТ ХЎЖАЛИГИNING РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Ҳудудда маҳаллий аҳолининг шаклланиш жараёни.

Сирдрё вилояти аҳолисининг шаклланиши Ўзбекистон аҳолисининг бир қисмидир. Аммо дашт ҳудудида бу жараён ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа ҳудудлардан фарқли равишда табиий- географик шароитлар билан боғлиқ. Ҳудуднинг асосий қисмини Мирзачўл эгаллаб, шарқда Сирдрё, жануби- ғарбда Туркистон тоғ тизмалари билан ҳамда шимолда Тошкент воҳаси билан чегараланган. Ҳудуд пасттекистлик ва чўл зоналари қўшилиб бориши натижасида ушбу ҳудуд аҳолисининг ўзига хос хўжалик шакли ривожланган. Ер ости гурунт сувларининг шўрлиги, тупрок унумдорлигининг пастлиги ва шўрланувчанлиги бунга сабаб бўлган.

Ҳудуд иқлимининг ноқулайлигига қарамасдан вилоят ҳудудида аҳоли турар жойларининг тош давриданок мавжуд бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Қадимда дашт аҳолиси асосан сой ва булоқ бўйларида воҳа-воҳа бўлиб яшаганлар. Вилоят ҳудудидан Хўжамушкентсой, Сармичсой, Тағобсой, Муғолсой ва Шўрболоқсой сингари сув манбаларининг бўлганки, аҳоли бу жойларда яшаб, ўз хўжалигини ривожлантирган.¹

Антик даврга оид манбаларда бу ҳудуд аҳолиси Хун қабилаларининг Юэчжилар устидан қозонилган ғалабаси натижасида Юэчжиларнинг асосий қисми Амударё тарафга силжишлари қайд этилган. Юэчжиларнинг қолган баъзи бир қисмлари ассимиляция жараёни натижасида Сирдрё аҳолиси таркибига аралашиб кетадилар. Мил.авв. 3-2 асрларда Марказий

¹Қудратов С. Сардобалар ўлкаси.Т.,ФАН. 2001 йил.5- бет.
Осиёнинг шимолий ҳудудларида Қанғ давлати вужудга келди. Ушбу даврда кўчаманчи аҳоли вакиллариининг вилоят ҳудудига кириб келиши натижасида Эски Ховос, Мунчоктепа ёдгарликларининг қад кўтарилди.¹

Сўнги пайтларда ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Нурота, Пучуктепа, Қўрғонтепа, Катакултепа ва Мирзаработ сингари манзилгоҳларнинг топилиши қадимдан ушбу ҳудуд аҳолисиз

бўлмаганлигини, ҳудудда чорвадор аҳоли вакиллари истиқомат қолишгани маълум бўлди.²

Ўрта асрларга оид манбаларда ҳам вилоят ҳудудидаги баъзи жой номлари тилга олиниб ўтилади. Жумладан, Ибн Хавқалнинг қуйдаги сўзларини келтирамиз: «Агарда, Ким Зоминдан Хўжандга Ховос йўли борса унинг йўлида Куркат учрайди.» Куркат эса Эски Ховос яқинидаги жой номидир.³ Шунинг эътирофи этиш жоизки, ривожланган ўрта асрлар даврида Мирзачўл воҳаси табиий - географик шароити ноқулайлиги туфайли аҳоли низоҳатда кам яшаган. Темур даврига келиб, ҳудудда жонланиш кузатилади. Ушбу даврда дашт ҳудуди бошқарувини Темур Сирдарё бўйига қурдирган Шохруҳия шаҳрига берган эди.

Темурийлар инқирозидан сўнг ушбу ҳудуд талон- тароҷ натижасида яна эътибордан четда қолди.

Чоризм истилосидан сўнг ҳудудга саноат хом ашёлари етиштирувчи ҳудуд сифатида қарала бошланди. Шахсан рус пошшоси Николай II ва инқилобдан кейин шўролар раҳбарияти томонидан ҳудуд ерларидаги моддий бойликларни ўзлаштириш, пахта яккахокимлигининг жорий этилишга қаратилган саъйи ҳаракатлари авж олдирилди. 1917 йилда ҳозирги Гулистон туманидаги (собик Мирзачўл тумани) 35 нафар аҳоли яшаш жойлари мавжуд бўлган бўлса, 1923 йилга келиб улар сони 102 тани

¹Қудратов С. Сардобалар ўлкаси.Т.,ФАН. 2001 йил.7- бет.

²Грицина А.А. Археологические памятники Сўрдарьинской области.Т.,1992.С18.

ташқил этар эди. Албатта, бунда хўжаликлар сонининг ортиш ҳам кузатилади. 1917 йилда туманда 3 677 хўжалик мавжуд бўлса, 1923 йилга келиб улар сони 8 538 нафарга етган эди.¹

Тарихий демография билан шуғулланувчиларнинг берган маълумотларидан билиш мумкинки, Туркистон ХКСнинг 1918 қарорига кўра Хўжанд уездининг Ержар, Уральск ва Совот волостларида мустақил Голодностепск уезди ташқил этилди. 1912 йилда эса Мирзачўл қайта

номланган. XX асрнинг 20- 30- йилларида қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ҳаракатлари дашт ҳудудидаги этнодемографик жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Собиқ шўролар ҳукумати тарафидан ҳудудда «Пахтаорол», «Боёвут», «Ударник» каби давлат хўжаликларининг (собиқ «совхоз») ташкил этилиши ушбу хўжаликларни аҳоли билан таъминлаш мақсадида аҳоли келтиришни кучайтирди. Ушбу даврларда дашт ҳудудида хўжаликлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш номи билан боғланиб, пахтачиликни ривожлантириш кўзланган эди.

Урушдан олдинги даврда аҳоли кўчириб келтирилиш режасига биноан бутун бошли хўжаликлар келтирилган. Улар асосан пахтачиликка йўналтирилган хўжаликлар эди.

Жамоат тарзда аҳолини кўчириб келтирилишини такомиллаштириш тўғрисида собиқ ЦК ВКБ (б) нинг 22 декабр 1939 йилдаги «Ўзбекистонда пахта саноатини такомиллаштириш тўғрисида» қарори билан амалга оширилди.²

1940 йилда Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманига 6 134 хўжалик келтирилган бўлса, 1940 йил баҳоридаёқ Тошкент вилоятининг собиқ Ордженикудзе ва Калинин туманларидан

¹Аминов Б. Квопросу формированию населения голодной степи за годў советской власти. ЁЁ Науцнўе статьи и тезисў. М., 1988., С.147.

²«Правда», 23 декабря 1939 года

кўчириб келтирилди. Булардан ташқари Қозоғистоннинг Джетисай ва Киров туманларидан ҳам 30 нафар хўжалик келтирилди. Улар 1939- 1940 йилларда С.М. Киров номли каналининг 2-3-4- тармоқларини қуришда иштирок этишган.

Уруш йилларида ҳам дашт ҳудудида миграйион жараёнлар тўхтатамади. Собиқ иттифоқнинг турли ҳудуларидан эвакуация қилинган аҳоли вакиллари Сирдарё вилоятининг Киров, Сирдарё ва Гулистон туманларига келтирилган.

Урушдан сўнг ҳудудга аҳоли кўчирилиш янги босқичга кўтарилди. Тошкент вилоятининг собиқ ижроқўмитаси тарафидан чиқарилган қарорларга кўра Тошкент вилоятидан 900 хўжалик 1945- 47 йилларда келтирилиш кўзда тутилган бўлиб, 1946 йил охиридаёқ 500 хўжалик келтирилди. 1947 йилда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Фориш туманиларидан 300 нафар оила келтирилди. 1960- 61 йилларга келиб яна 1 233 оила келтирилган бўлиб, уларнинг 80%- Самарқанд, 15% 0 Қашқадарё ва 5%- Андижон вилоятларидан келтирилаган аҳоли вакиллари эди.¹

Ҳозирги Гулистон туманидаги «Уч қаҳрамон» (собиқ «Красная заря») қишлоғида ўтказилган дала тадқиқотлари шуни кўрсатдики, XX асрнинг 20- 50- йилларида қишлоқга Зомин туманидан чорвадор аҳоли кўчириб келтирилган. Уларнинг чорвалари давлат ҳисобига ўтказилиб, ўзлари эса пахтачилик билан шуғулланишга мажбур этилган эканлар.²

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида олти юзмингдан зиёд аҳоли истиқомат қилиб, улар орасида ўзбеклар билан бир қаторда тожиклар, қирғизлар, йўғурлар, ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилишади. Аммо дашт ҳудудиди этник таркиби XX асрнинг ахирларига келиб собиқ Иттифоқнинг парчалиниши ва

¹Аминов Б. Квопросу формированию населения голодной степи за годў советской власти. ЎЎ Науцнўе статьи и тезисў. М., 1988., С.147.

²«Правда», 23 декабря 1939 года

ижтимоий- иқтисодий сабаларга кўра Сирдарё вилоятидан турли миллат вакилларининг бошқа ҳудуларга миграцияси тезлашди.

2.2. Дашт хўжалигининг ривожланиши.

Сир эмаски, Ўзбекистон қадимги деҳқончилик ўчоқларидан бири ҳисобланади. Республикамизнинг қишлоқ туманларининг асосий машғулоти қадим замонлардан деҳқончилик бўлган.

Дашт ҳудуди аҳолиси суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. Ҳудудда Сирдрё сингари йирик сув манбаининг мавжудлиги дарё бўйидаги аҳолининг деҳқончилик билан кун кўришида асосий омил бўлган.

Суғорладиган ерларга асосан буғдой ва бошқа донли экинлар экишган. Таъкидлаш жоизки, суғориладиган ерлардан етиштириладиган ҳосил тоғ ва тоғолди ҳудудларда етиштириладиган ҳосил миқодидан 1-2 марта кўпроқ бўлади. Тадқиқотлар жараёнида суҳбатдош кексаларнинг фирларига кўра шу нарсга маълум бўлдики, буғдой гуллаган даврида «найман»лар уни суғоришмаган. Кейинчалик бу усулдан «сарой» ва «юз»лар ҳам кенг фойдаланишган. Чунки суғориш жараёнида гулга зиён етиши ҳосилдорликнинг кескин камайишига олиб келган.¹

Маҳаллий хўжаликларда дуккакли экинлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айниқса мош экиш кенг тақалган. Нўхат ва ловия ҳам халқ орасида кенг кўп экиладиган дуккаклилардан эди.

Жўхоридан унумли фойдаланишган. Ундан чорва ва паррандалрни боқишда ем сифатида фойдаланишган. Жўхори пояси ҳам тўйимли ем ҳисоблаган.

Жўхорининг навлари ҳақида К. Шониёзов шундай фикрларни келтиради: «Жўхорининг бир неча навлари вегетация даврига қараб амажуд бўлган: олти, тўрт ва уч ойлик. Оххирги икки навини ярми йиғиб олингандан кейин иккинчи

экин сифатида экин экиш имконини яратган. Жўхорининг уч

¹Дала материаллари. 2012 март-апрель.

ойлик нави Зарафшон воҳасида кенг тарқалган».¹

Айтиш жоизки, ҳудуд полиз экинлари, жумладан қовун ва тарвуз етиштириш учун қулай ҳисобланади. Пиёз ва сабзи ҳам асосий полиз экини ҳисобланган.

Ҳудуд иқлим шароити боғдорчилик ва узумчилик билан шуғуланишга ноқулай саналганлиги учун хўжаликнинг бу шакли кенг тараққий этмаган.

Деҳқонлар ерни шудгорлашда асосан омовдан фойдаланишган.¹ Бугунги кунда техника тараққиёти натижасида омовдан деярли

фойдаланилмай қўйилди. Ката экин майдонлари асосан қўш хўкиздан фойдаланиб омовчанган. Одатга кўра, экинлар кузда шудгорланган ерларга экилган. Эрта баҳорда экинни ерга қадашдан олдин фақат икки маротаба хайдаб, кейин уруғ сочишган ва бораналашган.²

Бир қўш хўкиздан бир кунда (сутка) ўртача бир- икки таноб (2,5- 3_{га}) ер хайдалган. Якка ҳолдаги қўшилган иш хайвонлари бир кунда ўртача бир таноб, максимум 1,5 таноб ерни хайдаш имкониятига эга бўлган. Омов ерни ағдармаган, у фақат ерни сал юмшатиб, бегона ўтлар томирини қирқанлиги сабали ер 5- 6 мартагача хайдалаган.

киҳлоқларда ишчи хайвон сифатида хўкиз, от, камбағал хўжаликларда эшак йки хачирдан фойдаланилган.

Чорва ҳам халқимизнинг қадимги хўжалик фаолияти ҳисобланган. Жумладан, қорамолни боқиш ва уни кўпайтиришда ўзига хос усуллардан фойдаланишган. Қорамол боқишда унинг наслига ва зотиға эътибор кучли бўлган.²

¹Шаниязов К. Узбеки карлуки. Т., 1964. С. 74.

²Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Т., 1974., С.168.

Қорамоллар асосан сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қолндирган. Хўкизлар ишчи кучи сифатида хизмат қилган.

Йирик туёқли чорва моллари омма кўлида кўп бўлмаган. Ҳар бир хўжаликда ўртача 3- 4 тадан 8- 12 тагача қорамоллар бўлган. Камбағал аҳоли қатламида асосан бир ёки иккитадан сигир мавжуд бўлган.

XX аср ўрталарига келиб йирик шохли қорамолларнинг насли зотларидан Голланд ва Швед зотларининг афзаллик томонлари кўп бўлганлиги учун бу каби қорамол зотларини боқиш авж ола бошлади. Бу наслдаги –Қорамол зотлари ҳозирда ҳам кўп учрайди. «Лоқайлар»да йирик шохли қорамоллар боқишнинг ўзига хос анъанаси мавжуд бўлган. Улар

томонидан боқилган қорамоллар тирик вазни 180- 250 кило гўшт, бир йилда 7- 8 ой давомида ўртача 2- 2,5литр сут берган.¹

Йирик туёкли чорвадан ярим ўтроқ аҳоли асосан қишлоқ хўжалигик ишларида фойдаланишган. «Улардан», деб ёзади К. Шониёзов «шудгорлаш, арава тортиш, тегирмон ва мой жувозларда фойдаланишган»²

Ишчи хўкизлардан суғориладиган майдонларни ҳайдаш ва бўрдоқи учун боқишган. Хўкиз ва оти бўлмаган аҳоли вакиллари бирон нарса билан айирбошлаш шарти билан бойроқ хўжаликлардан уларни ижарага олишган. Ижара ҳақи қай тарзда тўланиши ўзаро келишилиб, баъзан ҳосил йиғиб олинганда ундан бир қисм бериш қилиб белгиланган.³

Қорамолларга асосий ем- хашак сифатида арпа ва буғдой сомони берилган. Макжўхори пояси, беда ва бошқа пичанбоп

¹Дала материаллари. 2012 март-апрель.

²Шаниязов К.Ш. Отгонное животноводство у узбекиов. FF Очерки по истории хозяйство нарордов Средней Азии и Казахстана.

³Дала материаллари. 2012 март-апрель.

ёввойи ўтлар ўрилиб, ғарамга босилган. Қиш мавсумида қорамолларга ушбу хашаклар ем сифатида берилган. Бошқа мавсумларда қорамоллар кўчада боқилган. Қорамолларни боқиш уларнинг ёшига мутаносиб равишда ривожлантириб борилган. Қаромолларни асосан аҳоли тарафидан тайинланган махсус киши- «подачи»лар тарафидан боқишган. Боқув ҳақини улар кунлик ёки келишилган пайтларда олиб туришган. Пода қайтгандан сўнг улар уйма- уй юриб «оши ҳалол» йиғишган. «Ошиҳалол»- подачи хизмат ҳақи бўлиб, ҳар бир хўжалик топганини, нон ёки бир қадар ун ва шу каби натура тарзидаги маҳсулотлар беришган. Шу билан подачи ҳар куни оиласи учун зарур бўлган озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминланган.

Аҳоли орасида новвосларни бўрдоқига боқишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Новвослар бўрдоқига асосан 3- 4 ёшга етгандан сўнг боқилган. Бўрдоқи қорамолларига асосий озиқ сифатида маккажўхори кечаги

кунжара, шелуха каби емлар берилган. Бу емлар оддий зот новвосларга 3- 4 килодан- кунига икки маҳал, зотдор (голланд ва швед) моллар учун 5- 6 килодан кунига икки- уч маҳал берилган. Хашаклар ҳам оддий новвосларга 10-15 килодан- кунига уч маҳал, зотли молларга 20- 25 килодан кунига уч маҳалдан берилган. Ҳозирда ҳам бундай усул сақланиб қолган. Моллар танасидаги туз миқдорини нормаллаштириб туриш учун охурларга ялама туз солиб қўйилган.¹

Ўзбек чорва хўжалигида қўйчилик асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбек қўйчивон уруғларидан яхши усталари деб турк, карлук, лоқай, кипчоқ ва катаганлар ҳисобланишган.²

Ўзбеклар асосан қўйларнинг қимматбаҳо қорақўл терисини бервучи қорақўл ва гўшт, жун учун думбали қўй зотларини боқишган. Бухорода энг зотдор қорақўл қўйлари боқилган.

¹Дала материаллари. 2012 март-апрель.

²Шаниязов К. Отгонное животноводство узбеков.С.37.

Улардан юқори насли қорақўл мўйнаси, жун ва гўшт олинган. Булар чорвадоларнинг асосий ҳаёт манбаси ҳисобланган. Қорақўл териларининг бир қисми ўз эҳтиёжларига сарфланиб, қолгани сотувга чиқарилган.¹

Сирдрё вилояти аҳолиси асосан думбали қўйларнинг маҳаллий зотларини боқишган. Қўйларнинг бундай турлари деярли барча жойларда тарқалган. Улар дағал жунли булиб, асосан жун ва гўшт учун боқишган.

Чорвачиликнинг ривожланиши, соҳага оид махсус терминларнинг вужудга келишига олиб келди. Асосий атамалар жониворларнинг тури ва ёшига нисбатан қўллашган. Қўзичоқларни бир ёшида «қўзи», иккинчи йилида «тўқли»; учинчи йили «тўсах», урғочилари «пишак» номи билан юритилган. Тўртинчи йили «навчари», бешинчи йили «панжи» олтисида «мангж» ва еттинчисида «чан» деб юритилган.²

Мўйна учун танланган қўй қўзилигида «марзи» деб номланган. Она қўй «қўзили қўй» деб аталган. Насл берувчи соғлом қўй «совлиқ», касал ва ночор қўй «арри» дейилган.³

Чорвадорлик анъанаси отадан ўғилга ўтгиши натижасида анъаналар йиғилган ва улар амалиёт давомида ривожлантирилган.

Баъзи ўзбек уруғлари эчкичилик билан мунтазам шуғулланишганлигини тадқиқотларимиз давомида суҳбатдошларимиз тасдиқлашган. Эчкилар ҳам жун, сут, тери ва гўшт учун боқилган. Эчкиларнинг асосан маҳаллий зотлари таркаган. Аҳоли орасида эчки сути алоҳида шифобахшлик хусусиятига эгаллиги учун қадрланган. Бундан ташқари, эчкиларнинг терисидан маҳаллий ҳунарманд тўқувчилар уй- рўзгор буймларини тўқишган.

¹Народў Средней Азии и Казахстана.М., 1967., Т- II. С.256

²Тошев Ҳ. Зарафшон водийси чорвадорларининг турмуши ва маданияти (XIX аср охир XX аср бошлари). Автореферат. 18- бет.

³Шаниязов К. Узбеки карлуки. Т., 1990. С.71.

Эчкиларнинг асосан «ангори эчки» нави кўп таркаган. Қўй ва эчкилар отар бўлиб боқилган. Дашт отарларида 600 дан 1000 тагача (тоғ жойларда 500- 600) чорва бўлган.

Отарларга икки- уч одам чўпон бўлиб қарашган. Уларнинг иш вақти йил вақтига қараб ўзгарган. Ҳар бир отарда иккита чўпон ит, от ёки эшак бўлган.

Иссиқ кунларда қўйларга қараган кишини кечкурун ёрдамчисига алмаштирилган. Совуқ тушиши билан чўпонлар ёрдамчилари сони камайтирилган.

Бой хўжаликларда отарлар йил фаслига қараб боқиш жойлари белгиланган. Камбағаллар доимо бир жойда боқишган. Бой хўжаликларда узоқ яйловларда отарларга мўлжалланган қўйхона ва молхоналар (қўтон,оғилхона) қурилган. Отралар боқилган жойдан узоқ бўлмаган жойда чўпонлар ўзлари учун ертўлалар қуришган.

Қўралар олдида қўйларни озиқлантириш учун «нова» ёки «охур»лар қуришган. Қўранинг ўзи икки қисмдан иборат бўлган. Қўранинг каттароқ қисмида соғлом қўйлар, нисбатан кичикроғида нимжон ва касал қўйлар сақланган.

Кенг дашт яйловларида чорва учун зарурий шароит бу чорвани сув билан таъминлашдир.

Сарой ва найманларда ҳўкиз ёки эчки терисидан қилинган қова мешлардан сув ташилиб, улар кўмир деб аталган.

Чорвадорлар, жумладан чўпонлар ва подачилар ҳаётидаги қизғин давр баҳор фаслига тўғри келади. Йилнинг бу вақтида улар ташвиши ортган: каттиқ қишдан чиққан жониворларни сақлаш ва улардан насл олиш асосий муаммо бўлган. Кичкина хато бу вақтда пода ёки сурувнинг нобуд бўлишига, бу эса чўпон ёки подачи учун фожеа бўлиши мумкин эди.¹

Чўпон ва унинг ёрдамчилари совлиқларни асраш учун барча

¹Шаниязов К. Отгонное животноводство у узбеков. С.90

тадбирларни кўришган. Қўйлар учун шамоллаш жуда хавфли бўлгани учун уларни зах ерларга ётқизишга йўл қўйилмаган.

Анъаналар ва йиллар давомида синалган амалиётга таянган чўпонлар барра кўк ва ўт ўланларга қўйларни дарҳол қўйиб юбормаганлар. Биринчидан янги баррани тотиб кўрган қўйлар ўтган йилги қуруқ ўтларни емай қўйишган. Қуруқ хашакдан бирданига кўк баррага ўтиш қўйларга жиддий хавф туғдирган. Шунинг учун чўпонлар бағорда сурувни оқшомлари, кечки шабнамдан сўнг, намланган қуруқ ўтларни баррага аралаштириб беришган.¹

Қўйлар қанча кечқурун ўтлашса, шунча чидамли бўлишган. Оқшомги ўтлатиш айниқса кўзилашдан олдин жуда фойдали бўлган. Тажрибали чўпонлар фикрича, буғоз қўйларни кўп ётишга йўл қўймаслик керак. Ётганда ҳомила ёмон ривожланади. Шунинг учун қўйларни тез- тез турғазиб, бир жойдан бошқасига кўчириб туришган. Совлиқларга барра ўтлар кам берилган, бунинг асосий сабаби ҳомиланинг юнги тез ривожланади вақорақўл баҳосининг пасайишига олиб келишидалигидир.

Қорақўл учун қўзичоқлар ҳали каттармасдан сўйилган. Баъзи урғочи қўзичоқлар насл олиш учун парвариш қилинган. Қўзилатиш даврида бир отарга чўпонлар уч- тўрт ёрдамчи жалб қилишган.²

Ўзбекларнинг найман ва сарой уруғлари човадорлари қўйлар қўзилагандан кейин икки отарга бўлинган. Бир отарга қўзили қўйлар, иккинчи отарга қўзисизлари кирган.

Наслсиз (қўзисиз) қўйларни уч гуруҳга бўлишган. Булардан биринчисига- тери ва шу каби мақсадларда сўйиш учун мўлжалланган қўйлар кирган. Бундай қўйлар «мари қўйлар» деб номланган. Иккинчи гуруҳга- ҳали қўзилаш ёшига кирмаган қўйлар киритилган. Учинчи гуруҳга қиср қўйлар киритилган.

¹Кармўшева Б.Х. Узбеки- локайцў Южного Таджикистана. Вўп- 1. Сталианбад. Изд.Акад.Наук.С. 58.

²Народў Средней Азии и Казахстана. М., 1967.

Қўзили қўйлар яйловларга барча қўйлардан сўнг чиқарилган. Чунки ҳар бир қўзи онасига боғланган бўлган. Бу вақтда қўйларни боқиш ярим кунгача давлм этгач, бир оз дам берилиб отар сувлашга олиб борилган. Шундан сўнг қоронғу тушиши билан ётоққа- қоратоққа қайтарилган.

Май ойига келиб баҳорги мавсум якунланган. Бу вақтга келиб қўйларнинг биринчи юнг олиш ишлари бўлган. Кейин сурув узоқроқ яйловларга ҳайдалган. Яйловларга кетишдан олдин қўйлар яна қайта гуруҳларга ажратилган.

Юнг олиш иккинчи марта кузда бўлган. Йилига икки маротаба қўйларни юнглари олиб туришган. Қўй юнглари махсус қайчи- «қаллиқ» ёрдамида олинган. Бой хўжаликларда юнгни махсус кишилар олиб, ҳар ўн қўй юнгини олиш учун бита қўй юнги хизмат ҳақи сифатида тўланган.

Сентябрнинг охирлари, октябрларда қўйларни қочириш масуми бошланган. Соғлом насл олиш жониворнинг қай даражадаги семизлигига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ўзига тўқ хўжаликларда қўйларни қочиришга уч ой қолганда уларни буғдой арпаси билан боқишган.

Шундан сўнг чорвани қишлоғга ҳайдашган. Чорвадорлар қишлоғга ҳам ўзлари учун, ҳам чорва учун қулай жойни танлашган. Баъзи бирлари яшаш жойларида қишлашса, бировлари уйдан узоқ бўлмаган жойда, яна баъзилари узоқ бўлса ҳам қишлоғ учун қулай жойни танлашган. Қўйлар учун қишлоғ ўртача уч ойлар давом этган. Агарда бу вақтда кучли қор бўронлари бўлиб турса, Айниқса қорақўл қўйлар ўзилари бутун мавсум қўраларда сақланган. Агар об- ҳаво очиқ бўлса, қаттиқ совуқга қарамай қўзилар ҳам қўрадан унча узоқ бўлмаган жойга ҳайдаб борилган.

Қўйлар бу мавсумда махсус озиклантирилиб, кунига (сутка) фақат бир маротаба суғорилган. Қўйлар йил давомида 5- 6гектар дашт яйлови ва 1,5 м³ сув талаб қилган.¹

Чўпонлардан тажриба ва маҳорат чорвани қишлоғдан ўтишида мўҳим бўлган. Бошқа мавсумларда ҳам чўпонлардан кўп машаққат талаб қилган. Чўпон меҳнати доимий юришда бўлгани учун шундай нақл пайдо бўлган. «Агар дангаса чўпон бир жуфт этик сотиб олса, ишчани тўрт жуфтини тамом қилади.»²

Ўзбек уруғларида узоқ йиллар давомида қўйларни даволашнинг анъанавий усуллари тўпланган. Чўпонларнинг ўзлари касал қўйларга ветеринария ёрдами кўрсатишган. Жароҳатларга ёғ суркаб, шифобахш ўтлар қўйилган. Кўпинча бу усуллар ижобий натижа кўрсатган. Чечак чорва учун хавфли ва ўта юқумли касаллик саналган. Агар чорва чечак билан оғриса, чўпонлар ўша қўйни сўйиб, терисини ёқиб юборишган. Баъзи ҳолларда даволаш услублари иримларга уйғунлашиб кетган.

Марказий Осиё чорвадор аҳолиси орасида йилқичилик тарихи милоддан аввалги асрларга бориб тақалади. Айниқса Фарғона отлари қадимда дунёга маълум ва машҳур эди.

Отлар ҳақида тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди.. От билан боғлиқ илк қарашлар «Авесто» даги қуёш илоҳи Митрага бағишланган Яшт (мадх) ларда баён этилган. «Авесто» Яштларида от- Шарқий Эрон ва

Марказий Осиё қадимги халқларининг Буқа тотеми Атвияга қарши курашувига Пурушни қавмининг фратриси сифатида тасвирланган. Бирок кейинги зардўштийлик ёзувларида от Аҳриман тимсоли сифатида қора кўринишида гавдалантирилиган. Яштларнинг бирида баён этилишича: «Отларга куч- қудрат сўранглар» деган жумлани

¹Фрейкин З.Г. Туркестанская ССР. Экономика- географическая характеристика. М., 1957. С. 240.

²Дала материаллари. 2012 март-апрель.
учратиш мумкин.

Бундан ташқари, қадимги Довон давлатидаги самовий отлар тўғрисида Хитой сайёҳи Чжон Цянь мил.авв.138- 125 йилларда ёзиб қолдирган маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларга кўра, доволликлар ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик билан шуғулланишган. Шоли ва буғдой етиштирилган. Узумдан шарбат тайёрлашган. Фарғона наслдор отлари қадимдан илҳийлаштирилган. Гўё Довондаги энг баланд тоғ чўққисида тутқич бермас муқаддас от яшаган, унга олачипор бияларни кўшганлар. Туғилган тойчоқлардан «қон» терлайдиган қирмизи рангли зотдор отлар вужудга келган эмиш.»¹

Ушбу фикрлар йилкичилик Марказий Осиё халқларининг қадимги хўжалик соҳаси эканлигини англатади. Марказий Осиёда отлар тезюар ва юк ҳайвонлари сифатида аҳамияти кучли бўлган. Уюр йилкичилиги қозоқ ва қирғизларда жуда кенг тарқалган. Уюр йилкичилиги билан Бухорода лоқайлар урғи вакиллари шуғулланишган.²

XX аср бошларигача от ва эшак (баъзи ҳудудларда туя) асосий юк ташувчи ва ўз даврининг илғор тезюар транспорт воситаси вазифасини бажарган.

Биз тадқиқ қилаётган Сирдрё вилояти ҳудудида уюр йилкичилиги билан шуғулланишмаган. Отлар қишлоқ жойларда баъзи бир хўжаликларда бўлиб, оз сонли бўлган.

Марказий Осиёда суғорма деҳочилик воҳаларида сув чиқариш мосламалри икки хил бўлган. Бир- сувнинг оқим кучи билан айланувчи чиғир бўлса, бошқа бир тури- от, эшак, хўкиз ёки туя кучи билан ҳаракатга келтирилувчи чиғир бўлган.¹

Сирдрё вилоятида эса ҳайвон ёрдамида сув чиқарувчи чиғир деярли бўлмаган. Вилоят ҳудудидан Сирдарё дарёсининг оқиши

¹Ашуров А. Самовий тулпорлар. «Фан ва турмуш». №3., 30- бет.

²Народы Средней Азии и Казахстана. М., 1965. Т-II. С.28.
юқоридаги чиғирга эҳтиёж туғдирмаган.

Сирдарё аҳолиси отлардан асосан тез юрар ва юк ташиш воситаси сифатида фойдаланишган. Баъзи бойлар отлардан кўнгилхушлаш воситаси сифатида турли пойгалар, улоқ ва кўпқари сингари ўйинлар учун боқишган.

Асли Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган, кейинчалик Сирдарёда истиқомат қилиб келаётган Қулмаматов Иброҳим отанининг ҳикоя қилишича отлар асосан минадиган, кўпқари ва бия берувчилар (зот қолдирувчилар) га бўлинган. Отлар ичида энг сараси бўз от бўлиб, тўққизга тўлганида баданларида холдай қора доғлар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у бўз эмас, тарлон бўлади. Тарлон от- отлар сараси ҳисобланиб, чавандозлар унга шундай тариф беришади- «Тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади, тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади».²

Саман от сариқ бўлиб, ёллари ва думи қора бўлади. Ёл ва қуйруқлари қораси ҳам бўлади.

Буйра отнинг пешонаси қашқаси, бурун учида оласи бўлади. Буйра отнинг хили кўп бўлади. Кўк бурмоч, қора бурмоч, тўриқ бурмоч, жийрон бурмоч ва бошқалар. «Бурмоч» иборасини асосан Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолиси ишлатишади.

Халқимизнинг анъанавий ва сеvimли ўйинларидан бибри- кўпқари- от билан боғлиқ. Кўпқарига бақувват ва иродали от талаб қилинган. Бунинг учун лоқайлар ибораси билан айтганда- у баланд бўйли, ихчам гавда, ихчам

бел, кенг кўкрак, кенг орқа, узун бўйин ва енгил оёқ, унча ката бўлмаган мускулларга эга бўлиши керак.³

Кўпкарига отларни тайёрлаш услуги қуйдагича бўлган.

¹Поляков С.П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. Изд-во М., 1980., С.28.

²Дала материаллари. 2012 март-апрель.

³Дала материаллари. 2012 март-апрель.

Махсус отхонада от қирқ кеча- кундуз давомида (ним қоронғу жойда) баланд охурга боғланади. Отхонага нур тушиб туриши учун кичкина тешикча очиб қўйилади. От қирқ кун давомида- тонгда – 4 кило, тушда 6 кило ва кечқурун 5 килодан арпа еми бериб боқилади. Ҳар замонда қўй қўйруғи ҳам тузлаб берилган. Ҳар 2- 3 кунда бир кафт туз ва 1- 2 дона оққанд берилган. Боқувдан сўнг от отхонадан чиқариб совутилган. От секин- секин юриб совуши учун қозик аторофига, арқон етарлича жойларга ҳар ер- ҳар ерга оз- оздан арпа хашак сепиб қўйилган. Совуётган от гоҳ у уюмдан, гоҳ бунисидан хашак еб секин- секин ҳаракатлалнган. Кунига битта тарвуз бериб чанқоғи қондирилган. Кейинчалик дала- даштларга олиб чиқилиб секин аста минишга ўргатилган. 40 кун давомида от совутилган. От кўпкарига тайёр бўлгач, хуфтон маҳали отга тўйхона карнай- сурнай садолари овозлари билан тўйхона ҳавоси олдирилиб, кўпкари олдидан отнинг юраги бостирилган.¹

Халқимизда азалдан отнинг хусусиятлари улуғланган. Кўпкаридаги ғалабанинг 80- 90 фоиз масъулият отнинг бўйнида бўлган. Шу сабали кўпкари бошидан то охиригача от номи шарафланган.

Биз дашт ҳудуди аҳолиси шуғулланган хўжалик фаолиятлари- деҳқончилик ва чорвачилк борасидаги фикрларимизни келтирдик.

¹Кармўшева Б.Х. Узбеки- локайци Юэного Таджикистана. Вўп-1. Изд-во Акад.Наук Тадж.ССР.11964. С.89.

II-БОБ. ТУРЛИ ЭТНИК ГУРУХЛАРДА ХЎЖАЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАРВА ЭЪТИҚОДЛАР

2.1. Деҳқончилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.

Аждодларимиз неча- неча асрлар давомида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига доир бир қатор иримлар, қоидалар, дуолар, айтимлар ва аломатларни ҳам яратишган. Деҳқончилик ва чорвачилик ҳам бундан мустасно эмас.

Деҳқончилик билан боғлиқ халқ урф- одатлари ва маросимлари доно халқимиз тафаккурининг ғаройиб мўжизаларидан биридир.

Ижтимоий ҳаётда ката ўрин тутган бу маросимларда аввало зироатчилик билан боғлиқ халқ қоидаларида ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг илдизлари исломгача бўлган давр диний эътиқодлар, хусусан табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларигиға сиғиниш билан боғлиқ бўлган. Шунингдек кўплаб зироатчилик урф- одат ва маросимларида исломгача бўлган диний- эътиқод қарашлари билан исломий қарашларнинг ўзаро қоришиб, синкритик ҳолатлари учрайди.

Марказий Осиёдаги турил соҳа вакилларининг ўз пирлари бўлиб, улар Ушбу пирларга ишонишган.

Ушбу пирлар деҳқонларга ҳомийлик қилувчи, бошқаларнинг ҳақидан ҳазар қилувчи ва деҳқонлра меҳнат унумдорлигини оширувчи авлиёлар ҳисобланишган.¹

Дехқонлар авлиёси тимсоллини зироатчилар муайян бир қиёфада тасаввур қилишолмайди. Шунингдек фақатгина шу

¹Помир тожиклари мифологиясида ушбу пир- Бободехқон култи ҳисобланади. Муҳитдинов И. Реликтў до исламских обўчаев и обрядев у земледельцев западного Памира. Душанбе-1989. С.28.
авлиёга бағишланган алоҳида маросисм ҳам йўқ.

Дехқонлар пирлари турли маросимлрада тилга олинди. Пир рамзини ок соолли кекса киши бажаради.

Куз ёки баҳорда қўш чиқарилганда, ариқлар тозаланганда, ерга уруф сочишганда, хирмондаги донни шамолга совуришганда, ишни биринчи бўлиб бадавлат, бола- чақаси, неvara- чевараси кўп, ишни доим олдиндан бошловчи тадбиркор ва обрўли киши бошлаб берган.

Дехқончиликда ҳар қандай иш бошида кекса отахонлар туришган ва буни авлиё- пир рамзи сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бу фикрларни Н.А. Кисляков,¹ К.А. Богомоллова,² М.Р.Раҳимов,³ М.С. Андреев⁴ ва К.Ф. Моногарева⁵ каби олимлар маълумотлари тасдиқлайди.

Дала тадқиқотлари жараёнида Жиззах вилоятининг Зомин ва Ғаллаорол туманларидан Гулистон туманига кўчириб келтирилган аҳоли вакиллари билан бўлган суҳбат чоғида уларнинг фикрича Ушбу ҳудудларда турли маросимларда авлиё- пир вазифасини тайинланган бир киши бажарганлигини билиш мумкин.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидан Сирдарё вилоятининг Сардоба туманига келган «сарой» ларнинг фикрича, уларда пир ўрнини эшон, хўжа каби оқсуяклар сулоласи вакиллари бажаришган. Бу вазифа уларга авлоддан авлодга қолдирилган.⁶

Дехқонлар авлиёси тимсоли тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд. Масалан «юз» (джуз)ларда Ҳизр образи деҳқонлар ҳомийси сифатида тасвирланади. Ахборотчи Ҳайитбой Эшмирза-

¹Кисляков Н.А. Патриархально феодальнўе обшение оседлого сельского население Бухарского наства в конце XIX начало XX FF Т.И.Э. М. 1962.

²Богомолаова К.А. Следў древного культа водў у таджиков. ҒҒ Изд-во общественнўх наук. А.Н. Тадж. ССР. Сталинабад. 1952. Вўп. 2.

³Рахимов М.Р. Земледельние бассейнў до революционнўй период. ҒҒ Трудў А.Н. Тадж. ССР. Сталинабад. 1957. Т- 43.

⁴Андреев М.С. Таджики долинў Хуф. Сталинабад.1953. Вўп 1.

⁵Моногарева Л.Ф. . Материалў по этнографии у земледельцев. ҒҒ Т.Н.Э.Н. С. 1959. ТК1. Вўп. VII.

⁶Дала материаллари. 2012 март-апрель.

евнинг ҳикоя қилишича, деҳқонлар ёши улўғроқ, оқ соқолли кекса билан қўл бериб кўришаётганда ҳамроҳининг бош бармоғини сиқиб кўришган.

Сабаби, улардаги мавжуд ривоятларга кўра кўришаётган шахс Ҳизр бўлса, бош бармоғининг суяги бўлмас эмиш. Суяксиз бармоқни ушлаган киши Ҳизрдан ҳоҳлаган нарсасини сўраш имкониятига эга бўлар экан.¹

Экинни экиш ва йиғишдан олдин Сайхунобод тумани «олтимш»ларида қўй сўйиб, қишлоқ мулласи, қариялар ва қишлоқдошларга Ош тарқатиш одати мавжуд бўлган. Овқатдан сўнг мулла авлиёларга ҳақига «Қуръон» тиловат қилишган. Бу анъанани бошқа уруғ вакилларида ҳам учратиш мумкин.

Анъанага кўра баҳорги шудгордан олдин «ис чиқариш» маросими ўтказилган. Ҳар бир деҳқон оиласида аёллар бўғирсоқ, чўзма пиширишган. Бу удум «ис» деб юритилган. Чўзма ва бўғирсоқларни қозонда қизиб турган мойга тайёр хамирларни пиширишган. Ривоятга кўра, гўёки марҳумлар анашу қозондан чиққан исдан баҳраманд бўлишар ва уларнинг руҳлари шод бўлишиб уларга омадлар тилашаркан. Бўғирсоқ ва чўзмаларга Қуръон тиловат туширилгач оила аъзолари итеъмол қилишган ва қўшниларга тарқатишган.

Деҳқонларнинг яна бир «ҳамроҳи» ҳўкизлар ҳам эътиборда бўлган. Сабаби улар ерни омочлашда асосий вазифани бажаришган. Ҳўкизларни «ёмон кўздан асраш» мақсадида уларга турли туморлар тақишган, «шоҳмойлаш» маросимини ўтказишган, яъни ҳўкиз шоҳларига махсус мойлар суркашган. Бу удум зироатчилик маросимларига йўл очган. Шунинг учун деҳқонлар бу маросимни зўр тантана билан ўтказишган.

Дастлабги эгат олиш ёки илк уруғ сочишда олдин оила ёки

¹Дала материаллари. 2012 март-апрель.

қишлоқдаги энг ҳурматли киши бу ишни бошлаб беришган. Одатда бу ишни кекса киши бажарган.

Кекса деҳқонлар ўз тажрибаларга кўра тупроқнинг экинга тайёрлигин аниқлашган. Улар ердан бир кафт тупроқ олиб уни сиқиб кўриб қўш чиқариш вақтини белгилашган.

Бу ҳол «хут» (март) ойининг охирги кунларига тўғри келган. Ердан олинган сиқим тупроқ сиқиб ирғитилганда ерга тушиб сочилиб кетса ер экин экишга етилган ҳисобланган.

Далага қўш чиқариш кунини биринчи бўлиб қишлоқдаги бадавлат, обрўли кишилар бошлашган. Қишлоқдаги барча аҳоли, қишлоқ оқсоқоллари тўпланишган. Ушбу маросимга ҳам қишлоқ аёллари ката тайёргарлик кўришган. Улар бу маросимга ялпиз, исмалоқ каби доривор ўтларда турли хил таомлар: кўп ҳолларда сомса, кўкчучвара, булардан ташқари шўрва, палов тайёрлаб дастурхонга териб чиқишган. Қишлоқ келин- қизлари теварак атрофни супуриб, сидириб тозалашган. Таомлар еб бўлингач, маросим иштирокчилари: «Мушкуллар осон бўлсин, бошлар омон бўлсин, тани соғлиқ, элда хотирдамлик бўлсин. Ерга қадалган бир дона уруғ минг дона бўлсин. Худо ёр, азиз авлиё- анбиёлар мададкор бўлсин, Ҳизр бува кўллаб- қувватласин», деб дуо қилишган.¹

Маросимлар ўтган йилги ғалла ўрмининг охирги тутамидан қилинган нон ушатилиб, қишлоқнинг барча мўътабар қарияларига ушатишган. Ўз навбатида, шу нондан бир ушам деҳқон ва ҳўкизга берилган. Бу билан бу йилги ҳосилни ўтган йилги сингари мўл- кўл бўлишига истак билдиришган.

Барча ишчи ҳўкизларни «кўздан» сақлаш ва ишдан хориб, чаврчаб қолмаслик мақсадида шохларига зоғир мойи суркашган ҳамда исирик тутатилган.

Исирик тутатиш ҳозирда ҳам мавжудлиги дала этнографик тадқиқотлари жараёнида аниқланди.

Сардоба туманида истиқомат қилувчи қирғизлар фикрига кўра қўш-хафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқарилган. Ушбу кунлар деҳқонлар учун хосиятли ва омадли ҳисобланган. Экин экиш пайтида етим-есир, бева- бечоралар ҳолидан хабар олишган. Агарда уларда етишмаса ёрдам қўлини чўзишган.

Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» қишлоғидан Жўрабой отанинг айтишича, қўшга қўшиладиган хўкизлар алоҳида боқилган. қўшга чиқишдан, яъни ер ҳайдашдан олдин чўзма пиширилиб, унинг мойидан хўкиз шохларига, туёқларига суркалган. Биринчи қўшни энг ҳурматли, серфарзанд отахонлардан бири бошлаб беришган. Уруғни кал, кўса ва кўр кишилар сочишга йўл қўйишмаган. Чунки бундай одамлар сепишган уруғ ҳам сийрак кўкараб экан.¹

Гулистон туманида истиқомат қилувчи, асли Фарғоналик Ўткир отанинг фикрича, Олти ариқда хўкизлар қўшга олиб чиқишдан олдин унинг шохига кунжут мойи суркаб қўйилган. Сўнгра исирик тутатилиб, ўтган йилги буғдойни хўкизлар устидан сепишган. Шундан сўнг экин экиш ишларига йўл очилган. Албатта, бу ишда ҳам хўкизни етакловчи одам эътиқодли, покиза ва эл орасида ҳурматли киши бўлган. Мазкур маросимдан сўнг барча деҳқонлар ўз хўкизларини етаклаб уй- уйларига қайтишган ва оила даврасида байрамни давом эттиришган.

Баъзи камбағал хўжаликлар бирлашиб (уч- тўрт хонадон) қўш тортувчи хўкизларни ёки отларни ижарга олиб, эвазига ҳосилни бир қисмини бериш шарти билан келишиб ерга ишлов беришган.

¹Дала материаллари. 2012 март-апрель

Бой хўжаликлар қўш чиқаришдан арафасида махсус зиёфатлар (маслаҳат оши, қўш оши) беришган. Улар тарафидан

таклиф этилган мулла- эшонлар «Дехқончилик китоблари» ва диний китоблар ўқишган.¹

Бундай зиёфатлар маслаҳат оши (ҳозир худойи оши) Наврўз айёми бошланганидан сўнг амалга оширилган. Бундай ошларга махсус боқилган жонлиқ сўйилган. Қозондаги овқат тайёр бўлгач, маҳалла ва қишлоқнинг обрўли кишилари: мироблар, дин пешволари, кўни- кўшнилари, чоракорлар, мардикорлар хонадонга таклиф этилган. Овқат еб бўлингач, йиғилганлар куйруқ мойларини олиб, қўллари, қошларини ва махсиларини мойлашган.

Қишлоқ муллеси авлиёларга атаб дуойи- фотиҳа ўқишган. Шундан сўнг экин экиш даврида амалга ошириладиган ишлар режалаштирилиб олинган.

Худойи ошига сўйиладиган жонлиқ семиз бўлиҳи лозим бўлган. Бу ҳам йилнинг омадли, сермахсул, ҳосилнинг баракали бўлишига нисбатан қилинган ирим бўлган. Шунинг учун ориқ жонлиқ сўйилмаган.

Ўрта ҳол деҳқон оилаларида эса гўжа оши, кесган Ош, чакки, қатик каби таомлар тайёрланган.

Наврўз кунлари «йилбоши» оши берилган. Йилбошига қишлоқ оқсоқолларибошчилик қилишган. Ҳаво очик Наврўз кунларининг бирида бир киши қишлоқ четроғидаги олчиқ майдонга чорлаган. Ҳар ким қурби етганини, биров бир қозон ош, яна бошқаси шўрва ёки турли хил пишириқлар, қанд- курс олиб майдонга чиқишган. Кейин ҳамма биргаликда таомларни истеъмол қилиб, хурсандчилик қилишган.

¹Гаврилов М. Рисола мусульманских ремесленников, исследования предшей мусульманских цель. Т.,1982.С.51.

Умуман йилбошига янги келин олганлар, фарзандли бўлганлар, элдан дуо олмоқчи бўлганлар қозон тўла ош олиб чиқишган. Бу анъанвий удм ҳозирда маълум даражада қисман сақланиб қолган.

Сирдарё вилояти аҳолиси деҳқонларида ҳам бошқа ҳудуд деҳқонлари сингари турли табиат ноқулайликлари билан боғлиқ маросимлари мавжуд бўлган. Бу каби удумлар Марказий Осиё табиий- иқлим шароити, яъни сувга бўлган эҳтиёжнинг катталиги каби муаммолар билан боғлиқ. Сув билан боғлиқ муаммолар ечимиш деҳқонлардан зукколикни, зийракликни ва катта тажриба- тадбиркорликин талаб қилган. Шунинг билан қурғоқчиликнинг олдини олувчи маросимлар ҳам вужудга келган. Ёғиннинг миқдориغا қараб йиллик ҳосилнинг миқдори чамаланган. Ҳамал, савр ва жавзо ойларида бўладиган ёмғир эл дастурхонининг тўкин бўлишини таъминлаган.

Баҳор фаслидаги ёмғир мавсуми ҳар йили турлича келган. Бир мавсум ёғин меъёрида бўлса, кейинги йили ё кўпайиб кетган ёки акси бўлган. Қурғоқчилик йилларида ўт- ўланлар камайиб, ғалла бошоқлари ҳам етилмай, майда бош бўлиб қолган.

Баҳорнинг қурғоқчил келиши, турли ҳашаротлар, жумладан чигиртка вазанг каби офатларнинг зиён келтиришидан хавфсираган деҳқонлар Аллоҳдан, азиз- авлиёлардан мадад сўраганлар. Уларга бағишлаб турли маросимлар ўтказишга мажбур бўлишган. Бу маросимлар моҳиятида сеҳр- жоду воситаларида табиатга таъсир ўтказадиган афсонавий ҳомийлардан ёрдам сўраганлар.

Маълумки, туркий қавмларда қадимдан ядатошлари мавжуд бўлиб, ушбу тош ёрдамида дуо ўқиб ёмғир чақириш имкониятлари мавжуд бўлган. Яда тошдан ёмғир чақириш ва инсонларда учрайдиган баъзи бир касалликларни даволашда қўлланиши XI асрнинг машҳур тилшуноси Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони Луғотит- Турк», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асрларида қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади.

Баҳор ойларида ёғингарчилик камайиб кетса, кишилар билиб- билмаё қилган гуноҳларидан кечирим сўраш мақсадида турли маросимлар ўтказишган.

Бугдой ва арпа экилгандан кейин деҳқонлар ёмғир кутишган. Агар йил бошидан қурғоқчилик келса, бирор жонлиқ сўйиб, қурбонлик келтиришган. Деҳқонларда сувга эҳтиёж кучайиб, қурғоқчилик бўлган пайтда улар «Суст хотин», «Сув Хотин» ва «Чала Хотин» каби ёмғир чақириш маросимини бажаришган.

Суст хотин маросимини сўзга чечан бир неча аёллар иштирокида ўтказишган. Уларга уддабурон аёллардан бири ташкилотчи қилиб қўйилган. Маросимни ўтказиш учун у бу нарсалар зарур бўлган. Ўзбек лоқайларида бита бўш қовоқ, иккита қамиш найча, иккита тошбақа ва битта эшак ва хайрсадақа йиғиш учун битта идиш керак ҳозирланса, саройларда эр- аёллар қўйлаги, ёғоч ёки лойдан ясалган товоқ керак бўлган. «Юз»ларда эса эски аёллар қўйлаги, рўмол вва сепиш учун челақ, эшак, хуржун ва бошқа нарсалар ҳозирланган.¹

Ўзбекистоннинг Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги баъзи аёллар томонидан бажарилган бу удумда Сирдарёда эркақлар ҳам иштирок этишган. Унда бир эшакка аёл киши миндирилиб ёки аёл киши қўйлаги кийдирилган эрақак миндирилган. Бу кишига устидан сув сепишган.

Қарлуқларда бу маросимга 15- 20 киши қатнашга. Улар бир тошбақани оёғидан боғлаб, чаппа қилиб кўрариб олишган. Бир киши сув солинган кади (қовоқ) га сув олгана ва уни қамишдан қилинган найчалар билан айлантирган. Шунда сувдан тошбақанинг овозига ўхшаша товуш чиқган. қолган иштирокчилар суст хотин қўшиғини куйлашган.¹

Шунингдек уларда «ғайла- қозоқ» маросими ҳам ўтказилган. Бу маросимда 10- 15 ёшга тўлган 11га яқин ўспирин болалар тарафидан ўтказилагн. Улра 4- 5 метрли тьяёқни олиб унинг учига новдани боғлашган. У хоч (крестъ) шаклини олган. Бир бола уни ктариб олган. Қолганлари эса унинг кетидан эргашиб, қуйдаги қўшиқни куйлашган:

*Чайла қозоқ йиғлайди,
Нону- натири тилайди.*²

Фольклоршунос Б. Саримсоқовнинг ёзишича, Суст хотин маросимида кўтарилиб юрилган, кекса аёл кўйлаги кийдирилган кўғирчоқ Марказий Осиёда қадимдан кенг тарқалган қурбонлик қилиш маросимининг қолдиқларидан иборатдир.³

Тадқиқотлар жараёнида ахборотчилар билан берган маълумотлардан маълум бўлдики, «юз» (джуз) ларда Суст хотин маросими март- апрель ойларида ўтказилган. Уларда ёмғир ёғдириш маросимини амалга ошириш маросимини ошириш учун учун 5- 10 хотин бирлашиб, маросим иштирокчиларидан бирининг устига ташбақа боғланиб, аёлнинг боши, юзи гавдаси беркитилган. Иштирокчилар йума-уй юриб, қўшиқ айтишган. Қўшиқлар турли вариантларда ижро этилган. Мисол тариқасида шулардан биттасини келтирами:

*Ҳаволар жовсин сус хотин,
Ўралар тўлсин сус хотин.*⁴

¹Саримсоқов Б. Маросим фольклори. ЎЎ Ўзбек фольклорлари очерклари. 1-жилд. Т 1998. 158- бет.

²Шониёзов К. Ўзбек қарлуқлари. Т.,1964. 52- бет

³ Шониёзов К. Кўрсатилган асар. 57- бет.

⁴Саримсоқов Б. Кўрсатилган асар.,88- 89 бетлар.

Ўзбек лоқайларида ёмғир ёғдириш маросими ҳақида Б.Х. Кармўшева уларда икки тошабақани эшакнинг икки тарифидан осилтириб боғлаб кўйишгани тўғрисида маълумотлар бериб ўтган.

Зоминдан келган аҳоли вакиллари тошабақани бир киши елкасига ббоғлаб кўйишганлиги тўғрисида суҳбатдошлар маълумол бериб ўтишган.

Бизга маълумки, кўпгина эртақларда сув девлари ва аждаҳолари ҳар куни бита қизни қурбонликка олиб кетишганлиги баён этилган. Сув қизлари

ва сув парилари ҳам шундай қадимги эътиқодлар ва қурбонлик бериш билан боғлиқ.¹

Бу масросимлар асрлар оша бизгача даврлар силсиласида турлича эътиқодий ишшонч ва тасаввурлар таъсирида қисман ўзгаришларга учраб етиб келган. Бу масросимлар табиат ва бир- бирига яқинлаштирган. Кишиларни покликка, эзгуликка чорлаган. қийинчиликларни ҳамжихатликда енгилга ўргатилган қадимий анъналаримиз ситрасига киради.

Бошоқли экинларни экиш билан боғлиқ бир қатор масросимлар мавжуд бўлган. Ўрим йиғимларни ўйиш олдиан «хайри худойи» масросими ўтказилган.

Б. Тайлор хайри худойи масросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсоният тараққиётининг ўзигўа хос хусусияти сифатида қарайди.²

Ўзига тўқ оилаларда алоҳидла ҳолдатда худойи ошлари утказилган. қўй, улоқ ёки парранда сўйиб қон чиқарилган. Худойи ошига қишлоқ оқсоқоллари, мироб ва қисман оқсоқоллар таклиф қилинган.³

«Қуён қочди» удуми далада ғалланинг жуда кам қисмиқолганда амалга оширилган.

¹Мусоҳонов А. Ўзбек халқлирикаси.Т., 1995., 8- бет.

²Тайлор Э.Б. Первобўтна култура. М., 1990. С.463.

³Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994. 204- бет.

⁴Богомоллова К.А. Следў древного култа водў у таджиков. С.114.

Ўроқчилра ўрилмаган ғалланинг турли тарафлардан ўраб олишган. Охирги ғаллани ўриб олиш анча мушкул бўлган. Кун бўйи ишлаб чарчаган ўроқчилар бир- бирига мадад бўлиши учун ёки руҳлантирланиш учун «оғайнилар қуён қочди, уни тутинглар» деб шовқин солишган. ғайрати жўшган ўроқчилар шиддат билан ўримга киришганлар. Бу масросимни айрим жойларда «тулки қочди», «шоқол қочди» деб ҳам юритишади. Ҳар бир ўроқчи охирги тутам ғаллани «барака тутами» деб ўриб олишга интилганлар. Кимки охирги тутамни боғлар экан- «етим, етим, Ҳизр суфлаган бўлсин, Аллоҳ баракасини берсин» деган. Уни ўриб олган киши тутамни маҳкам

боғлаб, уйининг деворига боғлаб қўйган. Ўрим пайтида қўшалок (жуфт) бошок топиб олинса, барака рамзи деб тушунилган. Шундан сўнг ҳосилни янчиш ва хирмон кўтариш маросимлари бажарилган.³

Хирмондаги донни янчиш ишлари қисқа муддатли бўлмаган. Баъзида уч- тўрт кунгача чўзилиб кетган. Хирмондаги донни дхқонлар зерикарли оғир ишларни қўшиқ айтиб янчишган. Янчиш вақтида «хўп майда», «майда-майда» каби анъанвий термалар ижро этилган.

«Майда- майда» атмаси тожикларда «майда», қирғизларда «ош майда» термини билан ифодаланган.

Янчиш пайтида деҳқон ўзининг энг яқин кўмакчиси бўлган ҳайвонга умид кўзи билан қараган. «Хўп қўшиш» ҳам ҳдди шу сингари маросим бўлиб, унда ҳам бирор ҳайвон буғдойни сомонидан ажратиш керак бўлган.

Бундай жараёнда «хўп қўшиш» айтими хиргойи қилинган. «Юз»ларда бу айтим қуйдагича янграган:

*Хўп майда-ё, хўп майда,
Сени энанг сийирдир.
қўшсин сени «хўб»га деб,
Ҳизр бува буюрдир.
Ҳай жонивор майда қил,
Буғдойи менга фойда,
Сомони сенга фойда.*

Илмий адабиётларда шамол ҳомийси ёки пири билан боғлиқ тасаввурлар тўғрисида маълумотлар берилган. Шамол чақириш маросимида айтиладиган қўшиқларида эса шамол ҳомийси сифатида Хайдар шахсиятига, яъни Муҳаммад с.а.в куёвлари Ҳазрат Алига мурожаат қилинган. Афсоналарга кўра Хайдар куч- қудрат ва тадбиркорилиги билан барча табиат

ҳодиясларини, жумладан шамолни ҳам ўз измида сақлаган экан. Бу ҳол куйдаги тўртликда яққол намоён бўлади:

*Хайдар отанг ўлибдир,
Моли сенга қолибдир,
Боланг сувга оқибдир,
Шамолингни қўйвор,
Ё Хайдаро-ё Хайдар.*

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тупланган фольклор ва этнографик ёзувлар бир вақтлар аجدодларимиз томонидан ҳар йили буғдой ўримида кейинги хирмон совуриш маросими ўтказиб келинганлиги анъанавий шамол чақириш айтимлари тасаввуримизни бир қадар бойитди. Айрим этник гуруҳлар шамолни қандайдир тимсолларда тасаввур қилишган. Масалан, Фарғона водийси ўзбеклари шамолни аллақандай ғордан келиб чиқади, унинг ҳомийси қарии аёл сифатида гавдалантирилган. Самарқанд, Бухорор ва Қисман Қашқадарё ва Сурхондарёда истиқомат қилган ўзбеклар ҳам шамол ҳомийсини кекса аёл қиёфасида тасвирлайдилар.¹

Ғалла янчилгандан сўнг донни сомондан ажратиш учун уни шамолга совуришган.шамол сомонни 4- 5 метр узоқлика учирган. Дон эса жойига қайтиб тушган. Баъзан дим ҳаводан тоқати тоқ бўлган деҳқонлар ҳуштак чалиб ёрдам сўрашган.

Айрим деҳқонлар шамол пирига хирмондаги дондан ҳам улуш чиқаришган. Шамол бўлмай қолган пайтларда шамол пирига қурбонлик қилиш-«ис» чиқариш амалга оширилган. Хўроз ёки шу сингари жонлиқ сўйилиб, қон чиқарилган ва ёрма (жорма) тайёрланган.

Баъзан шамол туриб, ҳосилни нобуд қилиш хавфи пайдо бўлганда шамолни тўхтатиш маросими бажарилган. Хайдар ҳомийлиги билан боғлиқ урф- одат ва маросимлар Марказий Осиёда яшовси туркий тили халқларнинг

барчасида ўтказилганлиги ҳамда бу маросимнинг илдизлари ўта қадимийлиги илмий китобларда атрофлича қайд этилган. Бу эса шамол чақириш ва уни тўхтатиш узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади.

Тарихий этнографик манбалар ва дала тадқиқотларнинг тасдиқлашича то техника тараққиётигача бўлган даврда меҳнат қуролларининг ўта даражада оддийли учун сабали одамлар табиат кучларига қарши турли маросимларни бажаришган. Меҳнат жараёнида шаклланган урф- одат ва маросимлар деҳқонларнинг ўзларига маъқул тушганлиги учун ҳам уларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин олган.

¹Жўраев Н. Ўҳбекларнинг киши билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. Хайдар култи..FF Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. №4. 42- бет.

2.2. Чорвачилик билан боғлиқ удумлар ва иримлар.

Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбек чорвадорларининг ижтимоий, оилавий, майиши ва шахсий турмушида урф- одат ва ирим тушунчалари муҳим ўрин эгаллаган. Ўзбек чорвадорларининг турмушига назар ташлар эканмиз, чорвачилик билан боғлиқ удумлар ва иримлар тотемизм (ҳайвонга сиғиниш), шаманизм (сеҳргарлик) каби исломга қадар даврга хос эътиқодларга асосланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Тотемизм тшунчаси илк уруғчилик жамияти даврида пайдо бўлган. Бунга эътиқод қилувчилар ўзи ёки уруғдаги барча аъзоларини муайян ҳайвон (масалан, туркийлар «ўз аждоди» деб бўрини билишган) ўсимлик ёки ҳайвондан келиб чиққан деган тасаввурга таянади. Айрим тотемистик тасаввурларни ўзбекларнинг оммавий- майиший турмушида ҳозирда ҳам учратиш мумкин. Масалан, от гўштини истеъмол қилмаслик, муқаддас қушлар (мусича, каптар)тушунчаси, турли ҳайвонларнинг суяклари (айниқса

кала суяги), хайвон тирноғи ва хоказоларни тумор шаклида ишлатиш, баъзи жониворлар номи биалн айрим уруғлар ва қабилаларнинг номланиши, уй деворларига қўчқор шохларининг осиб қўйилиши, остоналарда от тақасини қоқиб қўйиш каби тотемистик тушунчалар бугунда ҳам мавжуд.

Чорвадор ўзбеклар турмушида бир қатор иримлар ва удумлар мавжуд бўлган. Ўзбек чорвадорлоари турмушини тадқиқ қилиб ўтган тадқиқотчиларп А.А. Давидов, К.Ш. Шониёзов, Х. Тожиев, Б.Х. Каримўшева каби этнограф олимлар ўзбек чорвадоларии удумлари ва иримлари тўғрисида қимматли маълумотлар бериб ўтишган.

Чорвани боқиш машаққатли ва оғир бўлганлиги сабали бир қатор иримлра ва урфларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Аждодларимизнинг қадим эътиқодларида баъзи бир хайвонларнинг, жумладан қўчқор ва хўрозларнинг ғойибона кучларга таъсири туғрисида тасаввурлари кучли бўлган. Тошкент воҳасидаги «Қовунчи» қўрғони харобаларидан топилган археологик топиламалар бизнинг фикримизни тасдиқлайди. Милодий I- VI асрларга оид топилган сопол идишлардаги қўчқор тасвири, уларнинг назарида ҳимояловчи ва тозаловчи куч сифатида эътироф этилганлигидан дарак беради.¹

Баъзи бир чорвадор қабилалар қўчқорларга сиғинишган. Зардўштийликда ҳам қўчқор ҳимояловчи, қўриқловчи куч сифатида тасвирланади.

Юқорида келтирилган археологик материалларга асосланиб қуйдаги хулосаларга келиш мумкин: Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғарлар ҳаётида ибтидоий давларга оид диний эътиқодлар асоратлари кучли бўлган.

Ислон динида қурбонликка қўчқор сўйилишидан асосий мақсад, охиратда шу қўчқор қурбонлик қилган кишини жаннатдага кўприк олдида уни кутиб туриб, ўтказиб қўяди деган ғоялар мавжуд.

Қўчқорни ҳимоя қилиш ва турли офатлардан қайтарувчи кучига ишониш каби қарашлардан «Қўчқор ота», «Қўчқор мазор» каби мазорлолар

ва муқаддас жойларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ушбу жойлар зиёратгоҳлар сифатида қаралган. Бу жойларни тавоф қилгани келишган кишилар кўчкор сўйиб, ўз мушуқларининг осон бўлишини илтижо қилишган. Халқ эътиқодларига кўра, кўчкор шохи «ёмон кўзлардан» асровчи восита ҳисобланган.

¹Григорьев Г.В. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции. М.,1967. С.26-27.

Бугунда ҳам республикаимизнинг турли ҳудудларида «Чўпонота» номи билан юритилувчи жой номлари мавжуд бўлиб, улар асосини бевосита тотемистик эътиқод намуналари ташкил этади. Чорвадор халқ орасида қўйчивонлар, яъни чўпонлар таёғи- чўпонтаёқ катта эътиборда бўлган. «Чўпонота» чўпонлар пири ҳисобланган. «Юз»ларда мол (қорамол, қўй, эчки) касаллика чалиниб қолса, кекса чўпонларга мурожаат қилишган. Гўёки унинг қўли ёки таёғининг молга тегиши касалланган ҳайвоннинг тезроқ даво топишида ёрдам берар экан.

Олиб борилган дала тадқиқотларига кўра, чўпон Таёғи билан боғлиқ бир қатор иримлар аниқланди. Чўпон таёғи учун чўпонлар маълум жой ажратишиб, унинг оёқ ости бўлишига йўл қўйилмаган. Агар шундай қилинса чорвага касаллик тегиб, чорва нобуд бўлган деган қараш мавжуд бўлган.¹

Найманларда чўпон Таёғини босиш ёки хатлаб ўтиш мавжуд урфга мувофиқ манн қилинган. Кимик ногаҳон босиб олса ёки хатлаб уни ерлан дарҳол кўтаришиб, уни уч маротаба ўпиб қўйиш лозим бўлган.²

қипчоқларда эса чўпонтаёғини хатлаш ёки босиш киини тузалмас дарадга олиб келиши каби тасаввурлар бўлган. Халқ оғзаки ижодида «Чўпон таёғидан, келин оёғидан», деган мақол замирида ҳам маънолар мавжуд. Шунинг учун бўлса керак, чўпон таёғини танлаш, олиб юриш ва сақлаш жиддий иш ҳисобланган.³

Қўйларни баҳорда ва кузда яйловларга олиб чиқишдан олдин «қора кучлардан» тозалаш удуми ўтказилган. Ушбу маросим қудагича ўтказилган: чўпонлардан бири қўлида ёндирилган машъала билан қўтон ичидан қўйларни ҳайдаган. қўтондан чиқиш

¹ Дала материаллари. 2012 март-апрель.

² Дала материаллари. 2012 март-апрель.

³ Дала материаллари. 2012 март-апрель.

олдида эса қўйларга исириқ тутатилган. Отар эгаси қўйларни яйловга ҳайдашдан олдин жонлиқ сўйиб қишлоқнинг бообрўли кишилари ва муллани чақириб, «Чўпонота» ҳақиға дуолар

ўқишган. Қачонки, қўйлар қишлоғга қайтишар экан чўпонлар ката гулхан ёқишиб, нопок кучларни ҳайдашган. Кейин яна исириқ туташган. Хўжайин зиёфат қилиб, мулла отарни эсон- омон қайтиб кеогани ва қишловдан эсон- омон етиб келганлиги учун ҳудодга ҳукроналар айтиб дуолар ўқишган.¹

Чўпонга иззат ва ҳурмат билан қарашган. Ҳарким ҳам бундай масъулиятли васифани бажара олмаган. Бунинг учун маълум тажрибага эга бўлиш талаб этилган. Чорвачилик билан шуғулланиб келишган баъзи ўзбек уруғларида чўпонларга бағишланган тўй маросимлари ўтказиб турилган. Бу маросимлар тажрибакор чўпонларга шогирд тушган ёш чўпонлар тарафидан ўтказилиб, «Чўпонота» ҳақиға қўй сйилиб қурбонлик келтирилган. Зиёфатдан сўнг, кекса чўпон ёш шогирдига чўпон таёғини тутқазиб «Энди сен ҳақиқий чўпон бўлдинг, Чўпон ота ҳамиша мадакор бўлсин» деб фотиҳа берган. Чўпон тўйлари одатда кузда ўтказилган. Тўйлар асосан даштда, очик яйловда ўтказилган. Тўйдан сўнг кўпкари, кураш ва пойга каби халқ ўйинлари ўтказилган. Кечаси ката гулхан атрофида йўн- кулги давом этган.²

Бир қатор ўзбек уруғларида зардўштийлик эътиқодлари қолдиқлари кучли бўлган. Жумладан, қипчоқ, қарлуқ, найман ва бошқаларда ўтовларининг эшиги куёш чиқиш тарафига (шарқ) қаратиб қурилган.

Уларнинг тушунчасига кўрўа, эрталабки кўёш нурлари билан уйга барака, омонлик ва ризқ келар экан.³

¹Шониёзов К. К этнической истории узбекского народа. Т., 1974. С.79.

²Шаниязов К.Ш. Традиционнўе игрў и развлечение узбеков оторржаюхие в бўт скатоводов (клнец XIX- начало XX век). Всесоюзная сессия, посвяханная итогам полевўх этнографических и антропологических исследований. 1976-1977 г. Тезиси и докладў. Ереван., 1978. С.233- 235.

³Шаниязов К.Ш. К этнической истории убекского народа. С.229.

Чорвадолар бозордан сотиб олинган чорвани (кўпинча қорамол) ва отни ҳовлига олиб киришдан олдин ҳовли ўртасига иккита гулхан ёқишишиб, унинг ўртасидан янги сотиб олинган молнии олиб ўтишган. Шу усул билан «эргашиб» келган зарар етказувчи ғайриоддий кучлар (дев, жин) ҳайдалган. Бу каби зардўштийлик эътиқодлари исломий қарашлар билан қоришиб кетган.

Ўзбек уруғларида чорва билан боғлиқ эътиқодлар ва қарашлар хилмахил бўлган. Дала тадқиқотларри жараёнида суҳбатдошларнинг фикрича, ўзбек туркманларида кўзи ёриши керак бўлган аёлларга чорва жуни куйдирилиб, сувга ийлаб уч чоршанба ичирилган. Бу усул туғиш даврини осон кечишига хизмат қилган. Агар эр оиладан узоқроқ жойга жўнаётган бўлса чиқиш пайтида остонага мол боғланган арқонни ташлаб кетган. Бу билан уйни, оилани сақлаш ҳақида тасаввур бўлган.

Ховослик Ойниса момонинг айтишича, бола туғилганда, ага у ўғил бўлса унинг кесилган киндиги кўчқор шохига боғлаб кўйилган. Бундан мақсад- бола ўз ризқини даладн топсин, қўдай юввош бўлсин деган маъно билан бирга кўчқорнинг мукаддас ҳайвон сифатидаги тотемистик қарашнинг мавжудлигидандир.

Хасталикка чалинган беморни даволаш учун унинг атрофидан мол айлантирилиб, қулоқ- боши тортилган. Бундай ҳолларниг кўпчилигида «дардни кўтариб ташлаш», «шайтонни ҳайдаш» учун эчкидан фойдаланилган. Товуқ ва хўрознинг «сеҳрли» кучидан қанжалоқ ерлар (мол

сўйилган) да н ўтган, култепа ва авлиё жойларда айланган аёллар ва болалар даволанишган.¹

Айрим чорвадор оилаларида ёш боланинг тиши чиқишини енгиллатишга қаратилган иримлар дан бири чорва билан боғлиқ. Жумладан, қўй ёки қўзичоқ териси устига ўтқазилган боланинг тишини қўзичоқнинг тиши сингари бир текис чиқиши инобатга олинган.

Ўзбекларда ўғил болани хатна қилингандан кейин, унга дахл қилиш мукин бўлган ёвуз кучларни қувиш, зиён ва заҳматлар ва бало-казолардан асраш мақсадида хўроз ёки тўйга атаб сўйилган қўй териси бола бошидан айлантирилган. Фориш туманинг бир неча қишлоқларида бола атрофидан хўроз айлантирилган. Зомин аҳолисида эса кўп ҳолларда қўй териси айлантирилган. Ушбу тери ҳовлининг хилватриок жойига қўмилган ёки устага бериб юборилган. Хўроз ёки қўй терисини муқаддаслаштиришда ибтидоий диний эътиқод кучлари бўлиб, Дж. Фрезернинг фикрича, қадимда одамлар илоҳий кучлар, жумладан ҳайвонларни культ тисмолида тасаввур қилганлар. Бунда икки қараш мавжуд бўлган. Биринчиси, ҳайвонни ўлдириш, гўштини истеъмол қилиш ёмонлик келтирса, иккинчисида у ҳало ва пок. Шунинг учун уни истеъмол қилиш инсон тансаини инс- жинслардан тозаловчи восита деб билишган.¹

С.А. Токаревнинг маълумотларига кўра, айрим уруғ ёки қабилалар тотеми бўлган ҳайвонлар кишлар тасаввурида диний эътиқодларнинг шаклланишга сабаб бўлган. Бунда ўша ҳайвон уруғ ёки қабиланинг ижитимой хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнаганлиги билан боғланади. Бундан хулоса шуки, чорвачилик билан шуғулланган аҳоли ҳаётида қўйчиовонлик муҳим ўрин тутиб келган.

Марказий Осиё халқлари оилавий- маиший ҳаётида қўй билан боғлиқ тотемистик қарашларни кўплаб учратиш мумкин. Азиз меҳмон аёғи остига қўй сўйиш, ҳовлига қўй кала суякларини илиб қўйиш ва б. Тиши тушган боланинг тишини қўй оёқлари остига ташлаш, келинни узатиб кетишдан

олдин уни қўй терисига ўтказиш, ва боошқаларда қўй тотемининг муқаддаслиштирилиш аломатлари сезилиб туради.²

Саройларда хатна қилишдан олдин унинг бошидан хўроз айлантририлган. Шу куни кечкурун хўроз сўйилган. Унинг бир қисмини болага бериса, бир қисми устага бериб юборилган. Шомонлик эътиқодларини ўзида мужассамлаштирган ушбу одат хатарнинг олдини олишга қаратилган хайр- садақа ва ёвуз рухларга қарши куарш сингари сеҳр- жодуга асосланган тотемистик ҳатти ҳаракатни бажарган.¹

Ҳудди шу ситар маросим Зрафшон тожикларида тўғруқ жаарёнида бажарилган.

Туркман увмудлари (баъзан ёмут шаклида ишлатилади) туяни муқаддаслаштиришлари узоқ илдизларга эга бўлган ҳолда чуқур маъно касб этади. Аниқ маънода «туя сақловчилик», «асровчилик» рамзийликка эга чорвадорлар мифологиясида туя тотемига алоҳида сиғинилган. Туя билан шуғулланувчиларнинг ҳам ўз пирлари бўлган. Ушбу аҳоли орасида «Вали бобо» номи билан машҳур бўлган сиймо Қорақалпоқларда Султон Вейс бобо, Қирғизларда Ойсул ато номи билан машҳур бўлган. қўнғиротларда молни бозорга олиб чиқишдан олдин унинг пешонасидан озроқ юнги олиниб, исирикқа қўшиб тутилган ва рози бўл жонивор, бозорингни берсин кабилидаги гаплар гапирилган. «Юз»ларда эса баҳорда сотилган молнинг арқони олиб қолинган.¹ Айтиш жоизки, деярли барча ўзбек уруғларида иш ҳайвонлари (от, туя, хўкиз) бақувват ва қувватли бўлиши учун ёшлигида (1- 2 ёш) «ахта» (юбо) қилиб юборилган. Бу усул қадимдан қўлланилган бўлиб, ҳозирда ҳам амалда. Бичилган жониворларнинг иш самарадорлиги оширилган.²

¹Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. М-Л. 1950.С.50.

¹ Дала материаллари. 2012 март-апрель

Лоқай чорвадорларида чўпон таёғи билан қасам ичиш энг кучли қасам ҳисобланган. Таёқни ерга ташлаб, «таёқдай қурий» деб унинг устидан уч марта ҳатлабт ўтишган. қипчоқларда эса бу каби ҳолатлар кескин таёғққиклаб қўйилган. Уларнинг фикрича, бундай ҳаракат чорвага зиён келтиради деб ҳисоблашган.

Қўй ўзбек чорвадолари орасида жаннатдан Одам Ато ва Момо Ҳаво билан бирга чиққан деган тасаввурла бор бўлиб, Жаннатдан ерга етита совлиқ туширилган деб ишонишган. Уларни биринчи қўйчивон чўпонота боққан гаплар узбек лоқайларида бўлганлигини тўғрисида Б.Х. Кармўшева маълумот бериб ўтади.

Чўпонлик касби ниҳоятда оғир ва масъулиятли касб бўлганлигидан қарлуқларда шундай мататл юради- «Дехқон ёмғирда тинчиса, чўпон ўлганда».

қипчоқ, хитой ва қорахитойларда никоҳ билан боғлиқ маросимларда ҳам чорвачилик билан боғлиқ иримлар қўлланилган. қалин пулининг чорва билан тўланиши қипчоқларда «сорғи солди», «жавоб олди» каби номлра билан атлаган.

Асли исломга қадар даврга хос бу маросим исломий эътиқодлар билан синкретиклашуви натижасида шаманизмга хос маданият белгиси бошқа формасида кузатиш мумкин.

Қипчоқларда «бахши» вазифасини ҳамма вақтаёғидан «ркаклар», «қўшноғични» эса аёллар бажариб келишган. Бахши асосан оғир ва узоқ вақтаёғидан тўшақда ётиб қолган касалларни даволаган. Қўшноч эса асосан кўз тегкан, сир ковлаш, суқдан тозалаш каби илар билан машғул бўлган.

Одатда бахши ва қўшночлар хивич билан савалаш усули билан даволашган ёки кўчирма усулидан фойдаланишган.

«Кўчирма» маросимини амалга ошириш учун сариқ қўйни сўйиш керак бўлган. Агарда касал ночорроқ аҳволда бўлса, унда қариндошлари бозордан худди шу рангдаги қўйни калласини олиб келишган. Маросим охирида калла

шўрва пишрилиб, касалнинг боши тепасига калла терисни чўпакка илинтириб кўтариб турилган. Кейин терини иложи борица узоқроқ жойга ташлаб келишган. Шу йўл билан гўёки ёвуз рухлар касал танадан бошқа танага кўчиб ўтишган. Кала суягии беморнинг бош тарафига илиб қўйилган. Кейинчалик ҳам мсуяк уйни ёвуз рухтан асровчи восита сифатида уйда қолдирилган.¹

Ўзбек чорвадоларида от алоҳида эъзозланган жонивор ҳисобланади. Шу билан бирга от билан боғлиқ иримлар ва урфлар мавжуд. От қадимдан эъзозлаб келинган. От миниш соғлиқ учун ҳам фойдали ҳисобланган. От инсон дўсти сифатида қабул қилинган. қипчоқларда «от деви» билан боғлиқ иримлар мажуд бўлган. Шунинг учун кечалари отхонага зарурат бўлмаса кириш таёғққиқланган. От сотиб олганда уни уйга олиб келиб, аввал бита ўроқни ерга уриб, кейинчалик от туёқларига теккизиб қўйишган. Бундан мақсад, отни темирдай қаттиқ ва ўроқдай эгасига боғланиб қолиши бўлган.

Б.Х. Кармўшева лоқайларда от деви билан боғлиқ қуйдаги тасаввурларни баён қилган. Агар уюрчи ёки йилқичи от орасида юрганда касалланиб вафот этса, бу касалликни отнинг деви юборган деган ақидага ишонишган. Бундай вафот этиш ҳаром ҳисобланган. Отдан йиқилиб ёлган одам ҳам ҳаром ўлган ҳисобланган.

Ўзбек уруғларида чорва маҳсулоти ҳисобланган сут алоҳида эъзозланган. Қипчоқларда, деб ёзади К. Шониёзов, ўзларининг қариндошларига ва қишлоқдошларига оқликни сотишмаган. Удумга мувофиқ уни бепул тарқатишган. Яна кимнинг сигири ҳали тўғмаган бўлса унга ҳам беришган. Ҳар қандай киши қўшнисидан

¹Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. С.200

сут сўрай олишган. Бу илтимос ҳеч рад этилмаган.бу анъанавий ўзаро ёрдам ўзбеклар турмушида мавжуд бўлиб, ўзаро ёрдам урф- одати билан боғлиқдир. Сутни қуёш ботгандан кейин бегонага бериш манъ қилинган. Қоронғуда барака тимсоли «оқ»ликни олиб чиқиш уйга бахтсизлик олиб келади деган тасаввурлар мавжуд

бўлган.

Иримга кўра бундай ҳолатларда бузоқнинг оғзи куйишига ва сигирдан сут келмай қолишига олиб келиши мукин бўлган.

Тадқиқотлар жараёнида, сутни бегона кўздан асраш муҳим бўлганлиги аниқланди. Агарда бегона, ёмон кўз назари тушса, серсут сигирнинг сути камайиб кетар экан. Шунинг учун кечки ва Тонги соғилган сутни оғзи ёпик идишда олиб келишган.

Сутни барка рамзи сифатида билишиб ниҳоятда эъзозлашган. Сутни тўкиш, увол қилиш ниҳоятда манъ қилинган. Ҳатто сут солинадиган идишлар ювилганда ювинди тўкиб юбориолмасдан уни алоҳида бузоқ хаки сифатида бузоқларга беришган.¹

Сигир соғувчи билан боғлиқ иримлар ҳам мавжуд бўлган. Айрим ҳолларда янги туққан сигирнинг устидан исриқ айлантрилиб , ёвуз руҳлар ҳайдалган. Кейин эса сути соғилган. Биринчи туққан сигирни кўпинча ёши ката соғувчилар соғишган. қипчоқларда сигир соғувчи белига узун мато (5-6м) бир учини боғлаб, қолганини ерга тўшаб қўйишган. Бу ирим сигир сутининг совуми узун бўлиши учун қилинган. Кўпчилик жойларда сигирни асосан битр киши соғишган. Сигир соғувчи аёллар ҳам махсус тайинланган.

Бу борада махсус уқуви юқори бўлган кишилар соғишган. Сигир соғувчининг тез- тез ўзгартирилиши сигир сутининг камайишига олиб келагналиги боис, бу иш камдан кам ҳолатлдрада бажарилан. Соғувчи маълум бир тайёргарликни кўриши лозим бўлганю сигир ундан чўчимаслигии лозим бўлган.

Чорвадорлар ўз чорваларини турли касалликлардан ҳимоялашга ва даволашга интилганлар. Бир қатор чорва касалликлари, жумладан «овсин» касаллигини тузатишда қуйдаги қоида бажарилган. Ушбу касаллик билан оғриган (касалланган)

молнинг оғзи ва бурни дан сув оқиб, бўғзи оғрийди. Шунда чорвадорлар сувга ун солиб, атал қилиб едиришган. Шундан сўнг аталанинг бир қисмини

молнинг чап елкасига ва дуум тагиаг суркаб қўйишган. Агар ёш бузоқнинг ичи кетиб қийналиб қолса, думига қизил латта боғлаб қўйишган. Агар «ғўрра» (эшакнинг боласи) ичи кетиб қолса, икки орқа оёғи қизил латта боғлаб қўйилган.

Агар чорвани қўтир босса, эрталаб шайит бободан (авлиё қадамжолар) тупроқ келтиришиб сочилган ёки қўтир босган жойиган қормаой қиздирилиб куйдириб ташланган. Агар чорва чучук сув ҳавзаларида суғоилса ва унинг томоғига сулук (зулук) ёпишиб қолса, дағал латта билан томоғидан чиқариб ташланган.

Х у л о с а

Мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий чуқур ва ростгўйлик асосида ўрганиш ҳамда қадимий, миллий қадриятларимизнинг тикланишига жиддий эътибор берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Буюк маданиятимиз томирларига қараб, ўтмишдаги бой анъаналаримизни янги жамиятдаги қурилишига тадбиқ қилмоғимиз керак»¹. Ҳар бир риовжланган

маданиятли халқнинг ўз тили, урф- одати, адабиёти, асори- атиқалари, моддий ва маънавий неъматлари бўлади. Ўзбеки халқи ҳам дунёдаги энг қадимий тарихга, маданиятга эга бўлган халқ саналади. Бу қадимий маданиятни ўрганиш ва кейинги авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир.

Кейинги йилларда халқимизнинг анъанавий хўжалик тарихини ҳар тарафлама ҳаққоний ёритиш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқот ҳам шулар жумласидандир.

Дашт аҳолисининг анъанавий хўжалигини ўрганишга оид кичик илмий тадқиқотимизни якунлар экканмиз, шуни алоҳида қайд этмоқчи эдимки, мазкур ҳудуд ўзига хос этнографик минтақа ҳисобланади.

Олиб борилган илмий тадқиқот давомида ўрганилаётган ҳудуднинг барча хўжалик машғулотларининг айрим жиҳатларини республикамизнинг бошқа минтақалари билан қиёслаб, ўхшашлик ва фарқи жиҳатларини келтириб ўтишга ҳаракат қилдик.

Умуман вилоят ҳудудида қадимги давралрдан бошлаб аҳоли истиқомат қилишгани кузатилади. Лекин тарих силсилаларининг турли давларида ҳудудда аҳоли сони ҳам турлича бўлган.

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий истоқболларининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон». 1995 йил. 5- бет.

Вилоят тарихи, ушбу ҳудудда маҳаллий аҳолининг шаклланиши, XX аср бошларидан вилоятдаги янги ерларни ўзлаштириш ҳаракатларининг авж олиши натижасида республикамизнинг бошқа минтақаларидан аҳолининг мажбурий кучириб келтирилиши натижасида ҳудудда аҳоли сонининг ортиб бориши кузатилади.

Ушбу ҳудудда аҳоли хўжалик фаолиятини ва дашт ҳудудига мос хўжаликнинг ривожланишида тури этник гуруҳларнинг ўҳаро муносабатлари таъсири кучли бўлди. Улардаги деҳқончилик анъналари ҳаётий амалиётга асосланган ҳолда олиб борилган.

Худудда истиқомат қилиган деҳқонлар ва чорвадорлар ҳаётида илдизлари тотемистик ва шаманистик каби исломгача бўлган даврга оид эътиқодларнинг исломий қарашлар билан аралашувидан вужудга келган турли иримлар алоҳида ўрин туган.

Бундан ташқари, деҳқончилик ва чорвачилик анъаналрининг авлоддан авлодга ўтиб келиши натижасида мавжуд амалиётлар ҳаётий тажрибалар асосида ривожланиб борган. Жумладан, тажрибакор деҳқонлар тупрокни сиқиб ернинг экинга тайёрлик даражасини аниқлашса, кекса чорвадор халқ ветеринариясининг кўўпчилик қирраларини яхши ўзлаштиришган бўлиб, касалланган чорвани тузатиш усулларида яхшигина бохабар бўлишган.

Демак, юқоридаги қайдларни мухтасар қилиб айтганда, якуний тўхтамлар қуйдагилардан иборат:

- Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Ховос туманларида оз сонли бўлсада, қадимданоқ аҳоли истиқомат қилиб келишган. Лекин, ҳозирда ҳудуд аҳолисининг асосий қисмини XX аср бошларида республикамизнинг бошқа ҳудудлари, жумладан Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва қисман Қашқадарё ҳудудларидан мажбурий кўчириб келтирилишлари натижасида вужудга келган демографик жараёнларнинг хўжаликка таъсири кучли бўлган;
- Дашт ҳудудига мос хўжаликнинг ривожланишида турли ҳудудлардан келтирилган этник гурҳларнинг дашт ҳудудитга мослашувлари ва ушбу этномулоқот ҳудудида маданият ва хўжаликдаги ўзаро муносабатлари натижасида маданият ва хўжаликнинг шу ҳудудга мос шакли вужудга келди;
- Турли этник гуруҳларда деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ диний қарашлари ва эътиқодларида исломгача бўлган давр эътиқодлари бўлмиш тотемизм, шаманизм каби тасаввурларнинг исломий қарашлар билан арлашиб синкритик ҳолатга келга келиши ва ушбу иримлар ва удмлар деҳқонлар ва чорвадолар ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги;

Албатта, жонажон ватанимизнинг бир бўлаги ҳисобланган Сирдарё вилоятидаги этник ва демографик жараёнларнинг хўжаликка таъсири, ушбу ҳудудда истиқомат қилган турли этник гуруҳлар фаолиятини кўздан кечирар эканмиз, аجدодларимизнинг хўжалик юритишдаги малакаларини бугунги кун деҳқончилик ва чорввачилик анъаналарига тадбиқ этиш лозим деб ўйлайман.

Эътироф этиш мумкинки, бугунги кунда унут бўлиб бораётган хўжалик соҳаси билан боғлиқ турли удумлар, амаллар ва усулларни қайта жорий қилиш республикамиз халқ хўжалиги учун ижобий натижалар беради деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Ўзбекситон» - 1998 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий- ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон»- 1995 й.

3. Каримов И.А. Халққа хизмат қилиш- олий бахт. «Сирдарё ҳақиқати» газетаси. 1999 йил 12 декабрь. №100.

УМУМИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Аминов Б. Формирование население Голоднўй Степи (конец XIX- 60е года XX в). Диссертация на соискание ученой сетепени кандидата исторических наук. Ташкент, 1970 г
2. Аминов Б. К вопросу формирование население Голодной Степи за годў соверской власти. ҒҒ Очерки по истории хозяйства народов Среденей Азии и Казахстана. Изд.во Наука, Ленинград- 1973 г.
3. Аширов А. Самовий тулпорлар. ҒҒ Фан ва турмуш, №3. 2001 й.
4. Басилов В.Н. Хозяйство западнўх туркменов ямудов дореволюционнўй период и связзанўе сними обўчайи и верование. ҒҒ Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. Изд.во Наука- 1973 г.
5. Батраков В.С. характернўе чертў сельского хозяйства Ферганской долинў в период Кокандского ханства.ҒҒ Ташкент, СГУ. Вўп 2. Гумм.Наук. Кн8. История. 1955 г.
6. Богоданов М.И. О классификации жанров киргизского фольклора. ҒҒ Трудў Киргизского Академии Наук. Фрунзе- 1943 г.
7. Богомоллов К.А. Следў древнегот культа водў у таджикиов.ҒҒ Изд.во обхественнўх наук А.Ню Турсунзаде. Сталинабад- 1952 г.
8. Грицина А.А, Археологические памятники Сўрдрьинской области. Ташкент, «ФАН»- 1992 г.
9. Голодная степь: 1867- 1917. История края в документах, 1981 г.
10. Голодная Степь: Иванов И.А. Древнейший арўк от Сўрдарьи до Бухарў. Москва- 1981 г.
11. Доклад о развитие социально- экономическиги развитие Сўрдарьинской области. 1985- 1987 г. Управление статистики Сўрдарьинской области. Г Гулистан- 1987г.
12. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент- 1994 й.

13. Джаббаров И.М. Из истории техник и культур земледелия южного Хорезма. // История материальной культуры Узбекистана. Вып 2. Ташкент- 1961 г.
14. Ибрагимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент- 1993й.
15. Кармўшева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. Москва, Наука- 1976 г.
16. Кармўшева Б.Х. Этнографические очерки Узбекского сельского населения. Москва, Наука- 1969 г.
17. Кармўшева Б.Х. Узбеки Локайцў южного Таджикистана. Вып 1. Сталинабад. Изд.во Акад.НаукюТадж.ССР. Сталинабад- 1954 г.
18. Кармўшева Б.Х. Этнические и территориальные группы населения северо-восточной части Кашкадарьинской области Узбекской ССР. // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. Москва- 1960 г.
19. Кармўшева Б.Х. Пихерова Б.М. Материалы этнографического обследования таджиков. Нуратинского хребта. // Материалы и исследование по этнографии и антропологии. СЭ. 1964г. №1.
20. Кисляков Н.А. Патриархально- феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX-начало XX в. // М.Л. 1962 г.
21. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изохли лугати. Тошкент «ФАН»- 1972 й.
22. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийси суғорилиши тарихи (Қадимги даврданто XX аср бошларигача). Тошкент, «ФАН»- 1972 й.
23. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. Тошкент- 1977 й.
24. Мулладжанов И.Р. Народонаселение Узбекстанской ССР. Ташкент- 1967 г.

25. Мулладжанов Н.Р. Демографические развития Узбекской ССР. Ташкент- 1983 г.
26. Муҳиддинов И. Особенности традиционного земледельческого хозяйства припамирских народностей в XIX начало XX веков. Душанбе, «Дониш»- 1984 г.
27. Муссакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. Тошкент- 1995 й.
28. Материалы к историко- этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана. Изд. во Акад. Наук. М.-Л. 1961 г.
29. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент- 1963 й.
30. Ота- Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан: многонациональный историко- демографические аспекты. Ташкент, Изд. Медицинский литературы имени Абу Али ибн Сина – 1998 г.
31. Основные показатели развития народного хозяйства Сурдариинской области за 1980- 1989 г. Сурдаря- 1990 г.
32. Поляков С.П. Хозяйство населения Средней Азии и Казахстана. Изд. во Московского Университета- 1980 г.
33. Рахимов М.Р. Земледельческие бассейны районы Хингоу до революционного периода. Сталинабад- 1953 г.
34. Салимов Т.Ў. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этнографиясидан диплом ёзиш борасида баъзи бир кўрсатмалар. Тошкент- 1990 й.
35. Саримсоқов С.П. Культ животных в религиях. Москва- 1982 г.
36. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент- 1986 й.
37. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Москва- 1990 г.
38. Толстов С.П. Народы Средней Азии и Казахстана. I- II т. Москва- 1962 г.
39. Тошев Х. Зарафшон водийси чорвадорларининг турмуши ва маданияти. (XIX охири- XX аср бошлари) Автореферат. 1987 й.
40. Токарев С.А. Ранние формы религии. Москва- 1990 г.
41. Фрезер Дж. Золотая ветвь. Москва- 1986 г.

42. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Изд.во ФАН. Ташкент- 1974 г.
43. Шаниязов К.Ш. Узбеки карлуки. Ташкент, «ФАН»- 1964 г.
44. Шаниязов К.Ш. Отгонное животноводство у узбеков FF Очерки по истории хозяйств народов Средней Азии и Казахстана.Т- 1976 г.
45. Шаниязов К. Общинное землепользование в селении Каллўк. Ташкент- 1984 г.
46. Шаниязов К.Ш. Традиционнўе игрў и развлечения узбеков отражающии бўт скотоводов (конец XIX- начало XX в). FF Всесоюзная сессия, посвященная итогам полевўх этнографических и антропологических исследований. 1976- 1977г. Тезиси и докладў. Ереван- 1978.
47. Шониёзов К.Ўзбек халқининг этник шаклланиш жараёни. Тошкент- 2001 й.
48. Шахназаров .Сельское хозяйство в Туркестанском крае. СПб- 1988.
49. Кудратов С. Сардобалар ўлкаси.Тошкент, «ФАН» - 2002 й.
50. Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. (қаимги замондан ҳозирги кунгача). Т.ЎзССР. Фанлар Академияси Нашриёти- 1959 й.
51. Гуломов Я.Ф. Қадимги маданиятимиз изларидаи. Т.ЎзССР.Фан.Акад.- 1960 й.

АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИ:


1. ИФ1.оп.11.ед.хр.429.
2. ИФ1.оп.6 ед.Хр.1.
3. Ф.18.оп.1.ед.Хр.6547.
4. Ф.18.оп.1.ед.Хр.10625.
5. Ф.658.оп.3.д1.1217.

6. Ф.658.оп.оп.3.д.4.л68.д.17,л99.100.


7. Ф.И..21.оп.1.ед289.

8. Ф.И.И.оп.1.д.25347.

Илова №1



1- расм. Дашт худуди ва унда Сирдарё вилоятининг жойлашуви.




2- расм. Сирдарё вилояти Сардоба Туманидаги сув сақлаш иншооти – «Сардоба».




Сирдарё ўтмиши (Малик кудуги).


3- расм. Сирдарё вилоятидаги «Малик» қудуғи.




4- расм. Туя кучи билан ҳаракатга келтирилган чиғир.



5- расм. Қўл кучи ёрдамида фойдаланилган сув чиқариш иншооти «қўл-серпе».




6- расм. Кориз.



7- расм. Меҳнат қуролларидан наъмуналар:

1- сомон майдлагич; 2, 3, 4- ўроқ турлари; 5- ўришда ишлатиладиган қўлқоп;
6- қадимги шоха; 7- дон майдалашга мўлжалланган ёғоч болғача; 8- донни

тўплашга мўлжалланган ёғоч курача; 9, 10- ғалвир турлари; 11- дон элашга мўлжалланган ғалвир; 12- турли донли экинлар қолдиқларини шипиришга мўлжалланган шипирги;




8- расм. Меҳнат қуролларидан намуналар:

1, 4- ер ҳайдаш мосламалари («омоч»-1, «озал»- 2); 2,3- лемех. 5- кетмон; 6- теша; 7, 8- уччи учқурланган қозиклар; 9- белкурак; 10, 11, 13, 13- борона турлари.




9- расм. Чорвадорлар буюмларидан наъмуналар:
1- бузоғчаларни бойлашга мўлжалланган арқон; 2- қўзолар учун арқон; 4, 5,
6- бузоғчалар учун тумшуғли бойлагич; 7- қўйлар учун бойлагич; 8- қўй
бўйнига илинадиган буюм;




10- расм. Чорвадорлар буюмларидан наъмуналар:


1, 2, 3- от юганлари турлари; 4- арқон, 5- бўқа бурнидан ўтказиладиган узук;
6- туя бурнидан ўтказиладиган темир қозикча; 7- қўй жароҳатларини
тозалашга мўлжалланган таёқча; 8, 9, 10- қўй жароҳатларини даволашда
қўлланиб келинган анжомлар; 11- от жароҳатини даволаш учун
мўлжалланган мослама.



11- расм. Куви турлари:
1, 2, 4, 7 – тожикларда; 3, 6, 10- ўзбекларда; 5,- ўзбек ва тожикларда; 8-
қозоқларда; 9- тожик ва қирғизларда.



12- расм. Темирчилик буюмаларидан наъмуналар.



14- расм. Марказий Осиё халқлари анъанавий тўқувчилик ускунаси лан
анъмуна.